

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

“Менежмент ва касб-таълим” факультети

“Маҳсулот сифати менежменти” кафедраси

**ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНИДА
СИФАТ ВА ХАВФСИЗЛИККА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ТАЛАБЛАРИ**

5310900 - «Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти
(кимё ва озиқ-овқат)»

йўналиши бўйича бакалавр даражасини олиш учун

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Кафедра мудири:	к.ф.н., доц. Ахунджанов К.А.
Раҳбар:	кат. ўқ., Исмоилов Б.Х.
ХФХ маслахатчи:	т.ф.н., доц. Аъзамов А.
Иқтисод қисми маслахатчи:	кат. ўқ. Хайдарова К.
Такризчи:	к.ф.д., проф. Каримкулов
Битрувчи:	Баратова Х.

Тошкент – 2017 й

АННОТАЦИЯ

Мазкур битирув малакавий ишида Озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва хавфсизлигини таъминлашда халқаро стандартларнинг ўрни ва аҳамияти ўрганиб чиқилган. Озиқ-овқат маҳсулотларини сифати ва хавфсизлигини таъминлашнинг меъёрий ва қонуний асослари ва Европа Иттифоқининг қонун ҳужжатлари талаблари билан танишилган ва баён этилган. Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш тизими қисмида халқаро ва минтақвий хавфсизлик ва сифат менежменти тизимлари стандартлари (ISO 9001, ISO 14000, ISO 22000, OHSAS 18000, EC 854/2004, SA 8000, HACCP, GMP, Global GAP) ҳақида умумий маълумотлар берилган.

Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ISO 22000 халқаро стандарти асосида сифат ва хавфсизликни таъминлаш бўйича ишлар мазмуни кенг ёритиб берилган. Донни қайта ишлаш озиқ-овқат корхонаси мисолида HACCPни жорий этиш қисман кўриб чиқилган ва булар юзасидан хулосалар берилган.

МУНДАРИЖА

Кириш

I-БОБ. ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ЖАРАЁНИДА СИФАТ ВА ХАВФСИЗЛИКНИНГ АҲАМИЯТИ

1.1 Озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва хавфсизлигини таъминлашда
халқаро стандартларнинг ўрни ва аҳамияти.....

1.2 Озиқ-овқат маҳсулотларини сифати ва хавфсизлигини таъминлашнинг
меъёрий ва қонуний асослари.....

1.3. Европа мамлакатларига экспорт қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотлари
учун Европа Иттифоқининг қонун ҳужжатлари талаблари.....

II-БОБ. ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНИДА СИФАТ ВА ХАВФСИЗЛИККА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ТАЛАБЛАРИ

2.1 Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш тизими қисмида
хавфсизлик ва сифат менежменти тизимлари.....

2.2 НАССР тамойилларига асосланган маҳсулотлар хавфсизлиги ва
сифатини таъминлаш тизими.....

2.3 ISO 22000 стандарти бўйича асосий тушунчалар.....

2.4 ISO 22000:2005 стандартининг НАССР тамойиллари ва ISO 9001:2015
стандартларининг ўзаро боғлиқлиги.....

III-БОБ. ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ISO 22000 ХАЛҚАРО СТАНДАРТИ АСОСИДА СИФАТ ВА ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ

3.1 НАССР концепцияси.....

3.2 ООМХМТ ишлаб чиқиш ва жорий қилишда НАССР тамойилларини
қўллаш.....

3.2.1 Хавф-хатарларни аниқлаш ва таҳлил қилиш.....

3.2.2 Киритик назорат нуқтани аниқлаш.....

3.3 НАССРни жорий этиш босқичлари.....

3.4 ООМХМТни сертификатлаштириш

Хаёт фаолияти хавфсизлиги

Иқтисодий қисм

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Кириш.....	4
1-Боб. 1-БОБ. ОЗИҚ-ОВҚАТ МАХСУЛОТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ЖАРАЁНИДА СИФАТ ВА ХАВФСИЗЛИКНИНГ АҲАМИЯТИ	6
1.1 Сифат ва сифат менежменти тизими ҳақида умумий ва асосий тушунчалар.....	6
1.2 Сифатни бошқариш рақобатчиликда корхона муваффақият қозонишининг омили сифатида.....	12
1.3 ISO 9000 серияли стандартларнинг қисқача тавсифи.....	16
2- Боб. ОЗИҚ-ОВҚАТ МАХСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ЎЛЧАШЛАРНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ	18
2.1 Сифатли озиқ-овқат маҳсулотлар ишлаб чиқаришда ўлчашларнинг тутган ўрни.....	18
2.2 Озиқ-овқат ишлаб чиқариш корхоналарида метрологик таъминлаш билан боғлиқ масалалар	21
3-Боб. ОЗИҚ-ОВҚАТ МАХСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИДА СИФАТ ТИЗИМИНИ ТАЪМИНЛАШДА НАЗОРАТ ВА ЎЛЧОВ ВОСИТАЛАРИНИ БОШҚАРИШ.....	31
3.1 Сифат менежменти тизимида маҳсулот ишлаб чиқаришга талаблар.....	31
3.2 Сифат менежменти тизимида назорат - ўлчов воситаларини бошқариш	49
3.3 Сифат менежменти тизими ҳужжатларини ишлаб чиқиш.....	51
3.3.1 Назорат ва ўлчов воситаларини бошқариш жараёни процедураси.....	61
3.3.2 Назорат ва ўлчов воситаларини бошқариш жараёни картаси.....	67
ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ ҚИСМИ.....	73
ИҚТИСОДИЙ ҚИСМ.....	81
ХУЛОСА.....	89
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	90

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 14-январдаги Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида маҳсулот экспорти тўғрисида ҳам тўхталиб: *"Биз 10 миллиард 800 миллион доллар ҳажмидаги маҳсулот экспортини таъминлашимиз керак. Бу борада қандай кечиктириб бўлмайдиган вазифаларни ҳал этишимиз зарур?"* – дедилар.[1]

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, бозор муносабатларига ўтиш даврининг дастлабки йилларида маҳсулотлар таъминотининг норитмиклиги ҳамда уларнинг сифати талаб даражасида эмаслиги ҳоллари кузатилди. Бу пайтда маҳсулотга бўлган талаб унинг юқори сифатлилигида эмас, балки уни истеъмол даражасида етарлича сотиб олиш заруратидан келиб чиққан эди. Бу эса маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ва маҳсулотга эга бўлган мулкдорлар монополияси пайдо бўлишига, ички бозорда маҳсулотнинг қимматлашуви ҳамда арзон ва сифатсиз чет эл маҳсулотлари билан тўлдирилишига олиб келди.

Шунга қарамасдан, маҳсулотни кенг реклама (ва антиреклама) қилиш ва маҳсулот сифатига харидор талабининг ортиши, унинг истеъмолчи саломатлиги, ҳаёти ҳамда атроф- муҳитга безарарлигини таъминловчи мезонлар доимо ортиб ва мураккаблашиб боради. Юқорида келтирилган талаблар маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур бўлган меъёрий ҳужжатлар (стандарт, техник шартлар ва х.к.) ишлаб чиқиш учун муҳим асос бўлиб хизмат қилади. Бундай тадбирлар натижасида ички бозорда юқори сифатли маҳсулотларнинг турлари ва ҳажмларининг ортиши туфайли сифатсиз маҳсулотларга харидорларнинг эҳтиёжи қолмайди. Шу тариқа маҳсулотнинг рақобат бардошлиги таъминланади.

Республика нафақат МДХ давлатлари, балки дунёдаги ривожланган мамлакатлар билан ҳам эркин савдо муносабатларига киришган. Мамлакатимиздаги давлат ва қўшма корхоналар, хиссадорлик жамиятлари, бирлашма ва фирмаларда ишлаб чиқарилаётган хизмат турларининг юқори

сифатли бўлиши ушбу муносабатларнинг кафолати саналади. Шунинг учун ишлаб чиқарилаётган махсулот ва кўрсатилаётган хизмат турларининг сифати йил сайин халқаро аҳамият касб этмоқда.

Махсулотларимизнинг халқаро бозорда рақотбардош бўлиши учун уларнинг сифатига кўрсатилган ички бозор талаблари етарли бўлмаслиги мумкин, чунки иқтисодий жихатдан ривожланган мамлакатларда махсулотлар сифатига янада юқорироқ талаблар қўйилади. Шунинг учун ишлаб чиқариладиган махсулотлар ва улар кўрсатадиган хизмат турларига меъёрий хужжатлар ишлаб чиқиш жараёнида стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасидаги халқаро тажрибаларни мунтазам ҳисобга олиш зарур бўлади.

Халқаро ҳамкорлик борасида республикамизда маълум ижобий тажрибалар тўпланган. Масалан, Европа иқтисодий жамиятига кирувчи давлатлар ишончини қозониш мақсадида 2900 сериядаги минтақавий стандартлар ишлаб чиқилган ва амалда қўлланилмоқда.

Мустақилликдан сўнг миллий сертификатлаштириш тизимида ўлчов ишларининг бирлигини мажбурий равишда таъминловчи Давлат стандартлаштириш тизими яратилди. Ушбу стандартлаштириш тизими фаолияти давлат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган махсулотлар ҳамда ташкилотлар томонидан бажарилаётган хизмат турларининг ташқи ва ички бозордаги рақобатбардошлигини таъминлашга қаратилган.

Ривожланган хорижий мамлакатларнинг миллий стандартларига ёки халқаро талабларга мос келувчи стандартлар асосида махсулот сифатини таъминлаш, махсулот сифатини эришилган даражада ушлаб туриш ва келгусида уни яхшилаш давлат аҳамиятига молик масаладир. Бу борадаги тадбирлар билан бир қаторда, махсулот ишлаб чиқариш технологияси ва технологик жихозларни янгилаш асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда, иқтисодиёти ривожланган давлатлардаги машҳур брендга эга корпорациялар сифат менежментига асосланган бошқарув тизимига ўтиши ва тезкорлик билан халқаро бозорнинг улар томонидан интервенцияси сифат

менежментини корхона муваффақиятидаги ўрнини яққол кўрсатди. Масалан Кока-кола компанияси салқин ичимликларининг сифати ва брендини истеъмолчилар эътиборини қозонганлиги натижасида, хаттоки Европа мамлакатларида ушбу ичимлик кофе маҳсулотлари билан ҳам рақобатга киришиб кетган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳномалигида ишлаб чиқилган, 2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешик устивор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида микроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш таркибий ислохотларни чуқурлаштириш орқали унинг рақобатбардошлигини оширишга алоҳида аҳамият берилган. [1]

Мамлакатимизни, аввало, иқтисодиётимизни ислох этиш, эркинлаштириш ва модернизация қилиш, унинг таркибий тузилишини диверсификация қилиш борасида амалга оширилаётган, ҳар томонлама асосли ва чуқур ўйланган сиёсат бизни инқирозлар ва бошқа таҳдидларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қиладиган кучли тўсиқ, айтиш мумкинки, мустаҳкам ва ишончли ҳимоя воситасини яратди.

Асосий мақсади. Озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва хавфсизлигини таъминлашда халқаро ва минтақавий стандартлар ҳамда НАССР, европа қонунчилик талабларини ўрганиш ва уларни ўрни ва аҳамиятини кенг ёритиб бериш. Озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва хавфсизлигини таъминлаш тизимини (ISO 22000) озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнларига жорий этиш ва уни сертификатлаштириш тартиби лойиҳасини ишлаб чиқиш.

Юқоридаги мақсадларга эришиш учун қуйидаги вазифаларни бажариш лозим бўлади:

- Озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва хавфсизлигини таъминлашда халқаро стандартлар ва европа қонунчилик нормалари талабларини уларни ўрни ва аҳамиятини ўрганиш

- Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш тизими қисмида хавфсизлик ва сифат менежменти тизимлари (ISO 2200, ISO 9001, HACCP тамоиллари)ни ҳақида маълумотлар бериш.

- Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ISO 22000 халқаро стандарти асосида сифат ва хавфсизлик тизимини жорий этиш ва уни сертификатлаштириш тартиби лойиҳасини амалиётга тавсия этиш

- хулоса тайёрлаш.

I-БОБ. ОЗИҚ-ОВҚАТ МАХСУЛОТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНИДА СИФАТ ВА ХАВФСИЗЛИКНИНГ АҲАМИЯТИ

1.1. Озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва хавфсизлигини таъминлашда халқаро стандартларнинг ўрни ва аҳамияти

Озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва хавфсизлигини таъминлашда халқаро стандартларнинг ўрни ва аҳамияти ҳозирги кунда жуда муҳим ҳисобланади. Бизлар халқаро стандартларга мувофиқ маҳсулотлар ишлаб чиқарсак, ички бозорда ҳам юқори даражада ўрин эгаллаши мумкин. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда сифат ва хавфсизлик босқичи муҳим аҳамиятга эга. Кучли рақобат муҳити юзага келаётган бир пайтда, озиқ-овқат маҳсулотлари турини кўпайтириш баробарида, унинг сифатига ҳамда хавфсизлигига асосий эътиборни қаратиш лозим. Чунки, сифатли ва хавфсиз озиқ -овқат ички бозорда ҳам, ташқи бозорда ҳам, ташқи харидорлар учун қулай ва хавфсиз бўлади.

Баъзи ҳолларда ишлаб чиқарувчилар томонидан озиқ-овқат маҳсулотларининг ташқи кўринишига, таъм тавсифларига, гоҳида яроқлилиқ муддатини узайтириш учун турли қўшимча консервант, технологик қўшимча сунъий хушбўйлаштиргич, таъм кучайтиргичлари қўлланилишининг кўпайиб бораётганлиги кузатилмоқда.

Бунда озиқ-овқат маҳсулотлари сифатининг асосий параметри истеъмолчи учун хавфсизлиги иккинчи даражага тушиб қолаётганлиги кўпчиликнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг "Техник жихатдан тартибга солиш тўғрисида"ги қонунида маҳсулот ва хизматлар хавфсизлиги устидан назорат қилиш тегишли давлат органининг муҳим вазифаларидан бири эканлиги белгиланган. Ушбу қонун талабларига кўра, маҳсулот, уни ишлаб чиқариш, ишлатиш (ундан фойдаланиш), сақлаш, ташиш, реализация қилиш ва утилизация қилиш жараёнлари, бажарадиган ишлар, кўрсатиладиган хизматларда инсоннинг ҳаётига, соғлиғига, атроф-муҳитга, юридик жисмоний

шахсларнинг ва давлатнинг мол-мулкига зарар етказилишига йўл қўйилмаслиги белгилаб берилган.

Озиқ-овқат махсулотлари сифати ва хавфсизлигига, уни ишлаб чиқаришнинг ҳар бир босқичида корхона томонидан бошқариш ва назорат қилишни талаб қилувчи зарур хусусиятлар ҳисобланади.

Бугунги кунда озиқ-овқат саноати корхоналарида ишлаб чиқарилаётган махсулотлар сифати ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қуйидаги стандарлар асосидаги бошқариш тизимлари қўлланилмоқда: ISO 9001:2015-"Сифатни бошқариш тизимлари. Талаблар", HACCP-"Хавфлар таҳлили ва критик назорат нуқталари", GMP-"Зарур ишлаб чиқариш амалиёти", ISO 22000:2007-"Озиқ-овқат махсулотлари хавфсизлигини бошқариш тизимлари. Озиқ-овқат занжири бўйича исталган корхона учун талаблар"

Бундан ташқари, озиқ-овқат махсулотлари хавфсизлигини таъминлаш тизимини ишлаб чиққан ва жорий қилган ишлаб чиқарувчи учун ривожланишнинг янги йўллари очилади. Янги бозорларни эгаллаш, истеъмолчилар ишончини қозониш каби омиллар корхона тараққиётига ҳисса қўшади. Юқорида кўрсатиб ўтилган халқаро стандартлари талабларига жавоб берадиган ҳолда махсулот ишлаб чиқарилса бизлар нафақат ички бозорда балким, жохон бозоридан ҳам қониқарли даражада махсулотларимиз ўз ўрнини топиши мумкин. [4]

1.2. Озиқ -овқат махсулотларини сифати ва хавфсизлигини таъминлашнинг меъёрий ва қонуний асослар

Ўзбекистон республикасининг "Озиқ-овқат махсулотининг сифат ва хавфсизлиги тўғрисида" 1997 йил 30-августда қонун қабул қилинган. Бу қонун 18 та моддадан иборат. [10]

Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонундан ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Қорақалпоғистон Республикасида озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида ушбу Қонунда назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгилаб қўйилган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат бошқаруви

Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология хизмати, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Бош давлат ветеринария бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўсимликлар карантини бош давлат инспекцияси, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги ҳамда қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган бошқа органлар (бундан кейин матнда давлат назорати органлари деб юритилади) томонидан амалга оширилади.

Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат бошқаруви қуйидагиларни ўз ичига олади:

-давлат томонидан нормалаш;

-озиқ-овқат маҳсулотини ҳамда уни тайёрлашга мўлжалланган ва фойдаланганда озиқ-овқатга тегиб турадиган ускуналарни давлат рўйхатидан ўтказиш;

- озик-овқат маҳсулотини сертификатлаш;
- давлат назорати ва текшируви;
- озик-овқат маҳсулотининг сифатини ва хавфсизлигини таъминлаш тадбирларини режалаштириш.

Озик-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат томонидан нормалаш

Озик-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат томонидан нормалаш озик-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигига, уни ишлаб чиқариш, тайёрлаш, харид қилиш, қайта ишлаш, етказиб бериш, сақлаш, ташиш ва реализация қилиш шарт-шароитларига қўйиладиган талабларни ўз ичига оладиган санитария, ветеринария, фитосанитария нормаларини, қоидаларини ва гигиена нормативларини, давлат стандартларини, техникавий шартларни белгилаш йўли билан амалга оширилади.

Озик-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигига доир нормалар ва қоидалар давлат органлари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланади ва улар озик-овқат маҳсулоти муомаласи соҳасида иш олиб бораётган юридик ҳамда жисмоний шахслар учун мажбурийдир.

1.3. Европа мамлакатларига экспорт қилинадиган озик-овқат маҳсулотлари учун Европа Иттифоқининг қонун ҳужжатлари талаблари

Юртимизда ишлаб чиқарилаётган озик-овқат маҳсулотларини Европа бозорларига олиб чиқиш бугунги куннинг долзаб вазифалардан бири сифатида қаралмоқда. Бу ўртага ташланган вазифани амалга оширишда енгиллик киритиш учун тадбиркорларимизга тўғри экспортни амалга оширишлигини таъминлаш мақсадида Европа бозори ҳақида қуйидаги маълумотлари бериш мумкин:

Бизнинг яшаб турган минтақамиз мўтадил иқлим ҳисобланиб, турли ҳил мева-сабзавот маҳсулотлари етиштирилади шунинг учун инобатга олиб четга экспорт қилишни режалаштираётган бўлсангиз, Европа Иттифоқининг озиқ-овқат тугрисидаги қонун ҳужжатларининг умумий қоидаларига ҳам, маҳсулотнинг ушбу турига қўйилган махсус талабларга ҳам риоя қилишингиз керак.

Европа Иттифоқи жаҳондаги энг йирик ягона бозордир. Европа иттифоқи мамлакатларига экспорт қилувчилар 28 та мамлакатнинг тахминан 500 миллионлик истеъмолчиси мавжуд бўлган улкан бозордан, жуда фойдали тарзда фойдаланиш имкониятига эга бўладилар.

Демак, маҳсулотни Европа Иттифоқи мамлакатларига экспорт қилишга тайёргарлик қўриш учун ишни нимадан бошлаш лозим?

Бозорни урганиб чиқинг. ЕИ мамлакатада маҳсулотингизнинг потенциал харидорини топинг. Маҳсулот жунатилаётган мамлакатда унга қандай мажбурий талаблар қўйилишини, шунингдек маҳсулотингизнинг потенциал харидорининг қушимча шарт-шароитларини аниқланг.

Агар Сиз Европа Иттифоқида мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилишни режалаштираётган бўлсангиз, Европа Иттифоқининг озиқ-овқат тугрисидаги қонун ҳужжатларининг умумий қоидаларига ҳам, маҳсулотнинг ушбу турига қўйилган махсус талабларга ҳам риоя қилишингиз керак. Маҳсулотингиз Европа Иттифоқининг махсус талабларига мос қилишни текширинг.

Европа Иттифоқининг (кейинги жумлаларда қисқартилган ҳолда ЕИ дейилади) озиқ-овқат тугрисидаги қонун ҳужжатларининг айрим талаблари Европа Иттифоқида экспорт қилинаётган барча озиқ-овқат маҳсулотларига ва озуқага қўлланилади. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва озуқа операторлари озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда озуқа ишлаб чиқариш ва тақсимлашнинг барча босқичларида қўйидаги талабларга риоя қилиши керак:

1. *Озиқ-овқат маҳсулотлари тугрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиш (мувофиқлик ёки эквивалентлик).* Импорт қилинаётган озиқ-овқат ва озуқа маҳсулотлари озиқ-овқат тугрисидаги қонун ҳужжатларининг тегишли

талабларига ёки ЕИ томонидан тенг кийматли деб эътироф этилган шартларга мувофиқ келиши керак. Экспорт килувчи мамлакатнинг ваколатли органи махсулотингизнинг ЕИ талабларига мувофиқ келиши ёки уларга тенг эканлиги туғрисида кафолат бериши керак.

2. *Кузатиб текшириши мумкинлиги.* ЕИ конуни кузатиб текширишни озик-овкат махсулотларида фойдаланиладиган исталган озик-овкат махсулотлари, озука ва ингредиентларни ишлаб чиқаришнинг, қайта ишлашнинг ва тақсимлашнинг барча босқичларида кузатиш имконияти сифатида белгилайди. Гарчи кузатиш коидалари Европа Иттифокидан ташқарида кулланмасада, ушбу талаб махсулотингизни Европа Иттифокига импорт килувчига татбиқ этилади, чунки у махсулот ишлаб чиқарилган мамлакатдаги етказиб берувчини идентификация қилиши ва руйхатдан ўтказиши керак.

Сиз озик-овкат махсулотларини экспорт килувчи сифатида махсулотни туғридан-туғри етказиб берувчини ва қабул килувчини билишингиз керак.

3. *Импорт қилувчиларнинг жавобгарлиги.* Хар қандай озик-овкат оператори қаби сиз ҳам озик-овкат махсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва тақсимлашнинг барча босқичларида махсулот озик-овкат махсулотлари туғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига жавоб беришини кафолатлашингиз ҳамда назоратингиз остида бўлган махсулотлар учун ушбу талабларнинг бажарилишини тасдиқлаш имкониятига эга бўлишингиз керак.

Европа Иттифокига олиб қириладиган товарлар истеъмолчиларни ҳимоя қилиш учун ЕИнинг **техник талабларига** жавоб бериши керак. Асосий талабларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин: товарларнинг *хавфсизлиги, стандартлаштириши, ўраб-жойлаштириши ва белги қуйиши.*

Ишлаб чиқарувчилар ва дистрибьюторларга қуйидаги мажбуриятлар юкланади:

- хавфсизликнинг умумий талабларига мувофиқ бўлган товарларни етказиб бериш;
- харидорларни товар билан боғлиқ таваккалчиликлар ва қурилиши мумкин бўлган эҳтиёткорлик чоралари туғрисида ҳабардор қилиш;

- товарнинг хавфсиз эмаслиги аниқланган тақдирда федерал ҳокимиятнинг тегишли органларини хабардор қилиш истеъмолчиларни ҳимоя қилиш мақсадида уларга ёрдам бериш.

Европа Иттифокига аъзо давлатлар ЕИ даражасида ташкил этилган муайян механизмлар ёрдамида бозорни назорат қиладилар ва товарларнинг хавфсизлиги қоидалари бажарилишини таъминлайдилар.

Стандартлаштириш- маҳсулот жараён ва хизмат турларининг белгиланган вазифасига мос қилини, савдодаги ғовларни бартараф қилиш ҳамда илмий техник ҳамкорликка қўмаклашиш стандартлаштиришнинг муҳим натижасидир.

Хавфсизлик ва саломатликни муҳофаза қилиш бўйича мажбурий умумий талаблар. Улар товарлар гуруҳларига ёки оиласига нисбатан қўлланилади ва

ЕИ бозорида сотиш учун товарлар уларга мувофиқ бўлиши керак (масалан, саломатликни муҳофаза қилиш, хавфсизлик, истеъмолчиларни ҳимоя қилиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш);

Техник бир буюмларнинг техник параметрлари уйғунлаштирилган стандарт-параметр билан белгиланиши мумкин — ушбу стандартларга мувофиқ ишлаб чиқарилган товарлар умумий талабларга мувофиқдир деб ҳисобланади.

ЕИ аъзо давлатларга уйғунлаштирилган стандартни қўллашни тавсия этади.

Мувофиқликни тасдиқлаш тартиб-таомили. Товарларнинг техник стандартларни уйғунлаштиришга нисбатан йул-йуриқлар билан белгиланган мажбурий талабларга мувофиқлигини тасдиқлашни, ишлаб чиқарувчи ёки иккинчи томон бажаради.

Ҳар бир Европа Иттифоки мамлакатининг "Ваколатли органлари" учинчи томон жалб қилиш тақдирида мувофиқликни тасдиқлаш учун жавоб берадилар.

"СЕ" мувофиқлик белгиси. СЕ белгиси маҳсулот барча қўлланиладиган йул-йуриқлар билан белгиланган асосий талабларга мувофиқлиги ва мувофиқликни тасдиқлашдаги тегишли тартиб-таомилидан ўтганлигини кўрсатади.

СЕ белгиси: иккинчи томоннинг кумаги талаб қилинадиган ҳолатларда ишлаб чиқаришни назорат қилиш босқичида жалб этилган ваколатли ташкилотнинг идентификация раками кўрсатилган ҳолда "СЕ" белгиси қурилишидаги ягона шаклга эгадир;

- Буюмнинг ўзига, унинг қадогига ёки илова қилинадиган ҳужжатга босилади;

- тегишли буюмни ЕИ бозорида тарқатиш имконини беради

Ҳар бир аъзо давлат бозорига жойлаштирилган товарларнинг зарур талабларга мувофиқлигини текшириш мақсадида амалга ошириладиган бозор назорати учун масъул бўлган органларни таъсис этадилар. Назорат чоралари ҳужжатларни текширишни ва/ёки куздан кечиришни уз ичига олиши мумкин.

Белги қуйиш. ЕИ ҳудудига тарқатиладиган товарлар Европа Иттифоқининг белги қуйиш бўйича талабларига мувофиқ бўлиши керак, қуйидагилар унинг мақсади ҳисобланади:

- харидорнинг соғлиғи, хавфсизлиги ва манфаатларини ҳимоя қилиш;
- товар туғрисидаги маълумотларни тақдим этиш таркибида нималар борлиги, таркиби, хавфсиз фойдаланиш ва эҳтиёткорликнинг махсус чоралари ва шу кабилар.

Ўраб-жойлаштириш. ЕИ ҳудудида кўп тарқалган ўраш атроф-муҳитни муҳофаза қилиш талабларига ва харидорларнинг саломатлиги учун таҳдидларнинг олдини олиш мақсадида ишлаб чиқилган талабларга мувофиқ бўлиши керак.

Юқорида келтирилган қисқача маълумотлар, ўз маҳсулотларини ЕИ мамлакатларига экспорт қилишдан манфаатдор бўлган ишлаб чиқарувчилар учун мўлжалланган. Экспорт қилишдан аввал сизнинг маҳсулотингиз сифат ва хавфсизлик кўрсаткичлари бўйича аҳоли саломатлигини, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган ЕИ қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ келишига ишонч ҳосил қилиш зарур.

2. БОБ. ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНИДА СИФАТ ВА ХАВФСИЗЛИККА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ТАЛАБЛАРИ

2.1 Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш тизими қисмида хавфсизлик ва сифат менежменти тизимлари

Бутун дунё бўйича корхоналарнинг хусусий эгалари фаолияти амалиётида барчаси ананавийлик қаторида стандартлаштиришнинг янги соҳасини қамраб олган, экологик менежменти тизимига ISO 14000 серияли стандартлар, меҳнатни муҳофазалаш ва касбий хавфсизлик менежменти тизимига OHSAS 18000 серияли стандартлар, этика менежменти ва ижтимоий тизимга SA 8000 стандарти ва бошқа стандартларга этиборни фаол оширмоқда. Менежмент тизимини муайян тармоқларда қўллаш учун ISO 9000 серияли стандартлар асосидаги стандартлар шунингдек, бошқарув тизими стандартлари HACCP – HACCP (Hazard Analysis and Critical Control Points – хавф-хатарлар таҳлили ва критик назорат нуқталари, ХТваКНН) тамойилларига ва GMP (Good Manufacturing Practice – мақбул ишлаб чиқариш амалиёти) тамойилларига асосланган, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши Global GAP (Good Agriculture Practice – мақбул қишлоқ хўжалик амалиёти) ва ЎНК (Forest Stewardship Council – Ўрмон нозирлик кенгаши) тамойилларига асосланган тизим стандартлари ишлаб чиқилган.

Шу тариқа менежментни стандартлаштириш учун халқаро ривожланиш истиқболига кўра, менежментнинг турли соҳаларида кўзланган мақсадларга эришиш учун менежмент тизимига жохон стандартлар доирасида халқаро талабларни ўрнатади. Бундай тизимларга эришиш учун корхонанинг муайян фаолиятини йўлга қўйиш учун талабларни тизимлаштириш афзалдир.

Халқаро стандартлар инфратузилмасини ишлаб чиқиш ва жараёнларни (MRP, MRP II, ERP, CALS, ARIS, IDEF ва бошқа.) намунавий режалаштириш тизимига халқаро стандартлар доирасида ёндашиш зарур. Аммо, бу стандартлар, гарчи, ташкилот менежментини самрадорлигини оширишга йўналтирилган бўлса-да, алоҳида менежментнинг техник масалаларини ечишга

восита ҳисобланади ва шунинг учун ҳам уларга нисбатан алоҳида ёрдамчи аҳамиятга эга, деб қаралади. Бироқ, менежмент тизимига халқаро стандартлар талабларига мувофиқ бирлашган менежмент тизими жараёнларининг барчасини идентификациялаштирилганидан сўнг, улардан мақсадли фойдаланишни ҳисобга олиш зарур.

Мавжуд **озик-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш тизими қисмида хавфсизлик ва сифат менежменти тизимини** кўриб чиқамиз. Дастлаб, қандайдир модел бўйича озиқ-овқат ишлаб чиқариш корхонасида: сертификатлатиштириш учун; самарадорликни (озик-овқат маҳсулотлари сифати ва хавфсизлиги, хизматлари, жараёнлари, ходимларни ва ҳ.к.лар) ошириш учун менежмент тизимини жорий этиш лозим.

У ёки бу тизимни ишлаб чиқиш ва жорий этишида ташкилотнинг ўзига хос хусусиятлари, амалга ошираётган ишларининг ҳажми, ташкилотнинг кўлами, у ишлаб чиқариш ёки чакана савдо корхонаси бўлиб ҳисобланадими, корхона ишлаб чиқараётган ёки фойдаланишга бераётган маҳсулотларининг номлари ва бошқа кўплаб омиллари аниқланади.

Замонавий озиқ-овқат саноатида сифат ва хавфсизликни бошқаришнинг асосий элементлари: ISO 9000 халқаро стандартига мувофиқ корхонанинг сифат менежмент тизими (СМТ); НАССР тамойилларига мувофиқ озиқланиш маҳсулотлари хавфсизлик тизими; ишлаб чиқаришда санитария ва гигиена (GMP) тизими; ISO 14000 бўйича экологик менежменти тизими бўлиб ҳисобланади. **2005 йилнинг 1 сентябридан озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги тизимига талабларни ўрнатувчи ISO 22000 серияли стандартлар амалга жорий этилди.**

Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги менежментининг тизими корхоналарга қуйидаги мақсадларни бажариш учун керак бўлади:

- ишлаб чиқариш жараёнларининг барча босқичлари ва хавфсизлик омиллари, муҳим критик элементларининг муносабатларида озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлигини бошқариш;
- назорат идоралари, ҳамкорлар ва истеъмолчилар талабларини қондириш;

- ҳужжатларни бошқариш, жавобгарлик ва ваколатларни тўғри тақсимлаш, бизнес-жараёнларни шакллантириш ва тартибга солиш натижасида корхонанинг бошқариш тизимини оптималлаштириш.

АҚШ ва Европа Иттифоқи мамлакатларида гигиена ва санитария соҳасида ишлаб чиқариш хатоларининг хавф-хатарини минимумга олиб бориш СМТнинг қисми GMP қоидалари бўлиб ҳисобланади.

GMP (Good Manufacturing Practice) – бу яхши ишлаб чиқариш амалиёти ЕС 93/43 Директивида ўрнатилган бўлиб, озиқ-овқат бизнесида фаолият олиб бораётган ва бу соҳада иш олиб боришни бошлаганларга рухсат олиши учун керакли шартларни бажаришга зарурий бўлиб ҳисобланади.

GMP - FDA (АҚШ дори воситалари ва озиқ-овқат маҳсулотларини назорат қилиш бўйича ҳукумат Агентлиги) назоратида турган бир қанча озиқ-овқатлар ва медикаментларни ишлаб чиқариш учун меъёрлар, қоидалар ва қўлланмалар мажмуасидир. GMP умумий қоидаларига мувофиқ турли хил мамлакатлар алоҳида маҳсулот турларини ишлаб чиқариш жараёнларини аниқлаштириш шароитларида мувофиқлаштирувчи, стандартлар ва ҳужжатларни ишлаб чиқишмоқда.

GMP қоидаларида маҳсулотни ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ва фойдаланиш жараёнларида санитар-гигиеник чора-тадбирларни амалга оширишга асосий эътибор қаратилган.

GMP қоидалари шунингдек, ишлаб чиқарувчилардан ўрнатилган талабларга мувофиқ ўлчашлар усули ва воситалари, асосий ва қўшимча қурилмаларни, технологик жараёнларнинг ишчи ҳолатда эканлигини исботлашни талаб этади. Ўзбекистонда “Аҳоли соғлиғи-саломатлиги санитар-эпидемиологияси тўғрисида”ги қонунига мувофиқ ва соғлиқни сақлаш вазирлиги қоидаларига мувофиқ, санитар-гигиеник қоида ва меъёрларига асосан халқ истеъмоли маҳсулотлари ва хом-ашёларини айри бошлаш ва савдо ташкилотларига санитар-эпидемиология талаблари; санитар-эпидемиология (профилактика) чора-тадбирларини бажариш ва санитар қоидаларига риоя этиш бўйича ишлаб чиқариш назорати ташкил этиш ва ўтказиш, озиқ-овқат маҳсулотлари

хавфсизлигига мос бўлган гигиеник талаблар бўлиб ҳисобланади. “Техник жихатдан тартибга солиш тўғрисида”га қонунга мувофиқ **маҳсулотлар, ишлаб чиқариш жараёнлари, эксплуатацияси, сақлаш, фойдаланиш ва утилизациялаштириш хавфсизлиги** – бу ўсимлик ва жониворларнинг ҳаёти ва соғлиғи, давлат ёки маҳаллий мулклари, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига зиён етказиш сабаблари билан боғлиқ рухсат этилмаган хавф-хатарлар мавжуд бўлгандаги ҳолатидир.

2.2 НАССР тамойилларига асосланган маҳсулотлар хавфсизлиги ва сифатини таъминлаш тизими

НАССР тамойилларига асосланган маҳсулотлар хавфсизлиги ва сифатини таъминлаш тизimini батафсил кўриб чиқамиз.

НАССР концепцияси ўзида озиқ-овқат хом-ашёларини тайёрлашдан то якуний истеъмол маҳсулотигача барча озиқ-овқат занжири орқали ўтишида озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш учун назоратни ўтказиш, хавфли омилларни аниқлашга, уларни баҳолашга тизимли ёндошувни намоён этади.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, НАССР тизими асосан сифатни таъминлашга профилактик ёндошувда қурилган ва шунинг учун нафақат ишлаб чиқариш жараёнилари давомида назорат воситаси бўлиб ҳисобланиб, балки, янги маҳсулотларни ишлаб чиқишда сифатни лойиҳалаштириш учун қўлланилади.

НАССР тизимини қўллашдан асосий мақсад барча босқичларда (тайёрлаш, қайта ишлаш, ишлаб чиқариш, қадоқлаш, сақлаш, ташиш, тарқатиш, юклаш-тушириш ишлари, сотишга таклиф этиш ва истеъмолчиларга етказиб бериш) жараёнларини узлуксиз текшириш, таҳлил қилиш ва мониторингини ўтказиш орқали озиқ-овқат маҳсулотларини хавфсизлиги ва гигиенаси таъминлаш бўлиб ҳисобланади.

Тўғри қўлланиш шароитларида НАССР тизими ўзида озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлигини самарали бошқариш ишончини берувчи

сифатида тавсияларни намоён этади. Тизим корхоналарга хавфсиз маҳсулот етказиш ва кераксиз вазиятлар юзага келишини олдини олишни режалаштиришни имкониятини беради.

Истеъмолчиларга уларни талабари ва хоҳишларини кондиридаган тавсифларга эга маҳсулотлар зарур. Эҳтиёжларни, рақобатчилик ва техникавий ривожланишлар ўзгаришида корхона ишлаб чиқараётган маҳсулотлари ва жараёнларини доимий такомиллаштириши лозим.

Замонавий шароитларда озиқ-овқат корхоналари фақатгина сифати ва хавфсизлиги бўйича ўрнатиган талабларга мувофиқ маҳсулотни ишлаб чиқаришнинг ўзи етарли эмас. Улар ўзларини аниқланган сифат даражасида маҳсулот ишлаб чиқаришга қодир эканлигига истеъмолчилар ишончини таъминлаши ва унга мувофиқ далилларни тақдим этиши лозим.

Ички бозорда ишлаб чиқарувчилар бошқа давлатларнинг чакана савдо тармоғида иштирок этиши мумкин. Давлатлараро маҳсулотларни айланишини кенгайтириш мақсадида қатнашувчи-давлатлар маҳсулотга умумий талабларни келишувга кўра ишлаб чиқишади ва ўрнатишади.

Ҳозирги кунда Европа Иттифоқида озиқ-овқатларнинг хавфсизлигига қўлланилдиған қуйидаги директивалар амал қилади:

1. 29. 04. 2004 йилдаги озиқ-овқатлар гигиенаси бўйича ЕС 852/2004 (14. 06. 1993 йилдаги ЕС 93/43 Директив билан алмаштирилган).

2. 29.04.2004 йилдаги жониворлардан олинадиган озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш соҳасида давлат назоратини ташкиллаштириш бўйича талаблардан таркиб топган ЕС 854/2004 Директиви.

3. Codex Alimentarius.

Директив талаблари умумий тавсифда ва ишлаб чиқариш технологияларидан келиб чиқиб, ҳар бир корхона аниқлаштирмоғи лозим. Шу тариқа озиқ-овқат маҳсулотлари сифат ва хавфсизлигини керакли даражада таъминлаш ва сақлаш чун НАССР тизимини корхоналарга ишлаб чиқиш ва жорий этиш тавсия этилади.

Европа Иттифоқи мамлакатлари учун 2005 йил 1 июлдан кириш

компоненталари (хом ашё)дан бошланиб, якуний маҳсулотни истеъмолчига етказишгача технологик занжирнинг аниқ ва равшанлиги мажбурийдир.

Еропанинг кўплаб мамлакатларида ва шунингдек, Ўзбекистонда ҳам озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда сифати ва хавфсизлиги талабларини ўрнатувчи миллий стандартлар ва бошқа меъёрий ҳамда қонуний ҳужжатлар мавжуд.

Озиқ-овқат корхоналарида маҳсулот хавфсизлиги ва сифатини бошқариш тизимига ягона халқаро талабларинг мавжудлиги ISO 22000 серияли “Озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлик менежменти тизимидир. Етказиб бериш занжирининг барчасига талаблар”ни ишлаб чиқиш заруриятини келтириб чиқарди ва у 2005 йилнинг сентябридан амалга киритилди.

ISO 22000 HACCP ва ISO 9001:2015 стандартини бирлаштирувчи озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини бошқариш тизимини баён этиб, бир вақтнинг ўзида GMP (яхши ишлаб чиқариш тажрибаси) дастлабки шартлар дастурини бирлаштиради ва тушунчаларига изоҳ беради. Ушбу стандартда асосий эътибор озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқишда юзага келиш эҳтимоли бўлган хавф-хатарларни самарали бошқариш ва тизим жараёнларини модернизациялаш йўли билан харидорларни қаноатлантиришга қаратилган. Айни пайтда ҳужжатларнинг тузилмаси бу тизимни сифат менежменти ва атроф муҳитни ҳимоялаш тизимларга қулай бирлаштириш имконини беради. Охириги тадқиқотлари шуни кўрстадики, ISO 22000 серияли стандарти жуда оммабоп бўлиб, охириги 2 йилда бу стандарт бўйича сертификатлаштирилган корхоналар 3 мартага кўпайган.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда сифат менежменти тизимига талабларни ўрнатувчи O'z DSt ISO 22000:2010 “Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги менежменти тизими. Озиқ-овқат маҳсулотларини яратиш занжирида қатнашувчи ташкилотларга талаблар” стандарти қабул қилинган ва амалга жорий этилган.

Ҳозирги вақтда HACCP тизими озиқ-овқат маҳсулотларини унинг ҳаётий циклининг барча босқичларида энг яхши сифат ва хавфсизлигини таъминловчи

халқаро миқёсда умум тан олинган тизимдир. У АҚШда ишлаб чиқилган ва ўзининг озиқ-овқат корхоналарида хавф-хатарларни бошқариш моделини ифода этган, ҳозирги кунда жаҳон ва Европанинг кўплаб мамлакатларида тарқалган.

Ўзбекистон Республикасида “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги қонун қабул қилиниши озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш соҳасида миллий қонунчиликни ривожлантиришга яна бир туртки бўлди. Озиқ-овқат соҳасида актларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиниши мавжуд техник регламентларнинг мақомини ва Ўзбекистон умум европа интеграциялашуви жараёнида иштирок этиши, қонунчилик меъёрларини уйғунлаштириш ва яқинлаштиришга муҳим хизмат қилди.

Европанинг кўплаб давлатларида НАССР тизими озиқ-овқат гигиенаси бўйича чор-тадбирлар умумий тизимнинг таркибий қисми сифатида қаралади. Буюк Британияда 1990 йил озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида Акт ва 1995 йил №1763 озиқ-овқатлар хавфсизлиги регламенти қабул қилинган. Бу ҳужжатлар ишлаб чиқариш занжирининг барча босқичларига талабларни кўрсатувчи қонунчиликни ўзида намоён этади.

Германияда 1997 йил 5 августдан 1974 йил 15 августдаги Озиқ-овқат маҳсулотлари тўғрисидаги қонун асосида озиқ-овқат маҳсулотлари гигиенаси тўғрисидаги Федерал ҳукуматининг Қарори қабул қилинган ва амал қилинади. Бу қарорда кўсатиладики, ким, қандай озиқ-овқат ишлаб чиқса, озиқ-овқатни қайта ишласа ёки етказиб бериш билан шуғулланса, текшириш ўтказиш йўли билан хавфли омилларни ўрнатиш, бу жараёнларнинг ҳар бири учун критик нуқталарни аниқлаш ва қафолатлаш лозим яъни қабул қилинган хавфсизлик чора-тадбирлари даврий текширишдан ўтказилади. Уларни идентификациялаш учун НАССР тамойиллари хизмат қилади.

Италияда 1997 йил 26 майда №155 Қонуний Дерективи қабул қилинган бўлиб, бу Дерективнинг 3 моддасида НАССР тамойиллари ва умумий ва махсус чора-тадбирлари ўнта иловалар киритилган. Дерективнинг кучга кириши озиқ-овқат тармоғи муассасалари учун НАССР тамойиллари мажбурий бўлишига

замин яратди.

Белгияда НАССР тамойиллари 1997 йил 7 февралда озиқ-овқат маҳсулотлари умумий гигиенаси тўғрисидаги Қироллик Дерективга биноан, шу йилнинг 25 октябридан мажбурий бўлиб ҳисобланади.

Испаниянинг миллий қонунчилигида НАССР тамойиллари 1995 йил 28 декабрдаги №2207/1995 ва 2000 йил 29 декабрдаги №3484/2000 сонли Қироллик Дерективларида киритилди.

Португалияда ўз-ўзини назорат тўғрисидаги 1998 йил 18 мартдаги №67/98 сонли Қонуний Дерективнинг 3 моддаси НАССР тамойиллари мазмунидан таркиб топган.

Францияда Истеъмолчилар Кодекси Қонуности Қисми I китоб II боби меъёрларини амалга ошириш мақсадида 90-йилларнинг ўрталарида НАССР тизимини амалга оширувчи қатор вазирликларнинг актлари чиқарилди. Бу барча актлар озиқ-овқат маҳсулотларининг алоҳида тоифаларига гигиеник талаблар кўрсатилган вертикал қонунчиликни намоён этади.

Жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, НАССР тизимини ҳукукий бошқариш НАССР тамойилларини нафақат озиқ-овқат маҳсулотларининг умумий гигиенасини бошқарувчи актларга киритиш йўли билан эмас, балки, НАССР тамойилларидан фойдаланишга бағишланган алоҳида махсус актларни киритиш йўли билан ҳам амалга оширилади. Европада масалан, Нидерландияда 1998 йилда “амалдаги НАССР тизимини критик баҳолаш” номи билан миллий ҳужжатнинг иккинчи наشري қабул қилинган.

Россияда 2001 йил 1 июлдан ГОСТ Р 51705.1-2001 «Системы качества. Управление качеством пищевых продуктов на основе принципов НАССР. Общие требования» стандарти амал қилинган.

Дастлаб тизими XX асрнинг 70-йилларида ишлаб чиқилган ва космик саноатда (унинг ёрдамида астронавтлар учун овқатланиш маҳсулотлари сифати ва хавфсизлигини назорат қилинган) қўлланилган. 80-йилларнинг ўрталарида америка Фанлар академияси уни барча истеъмолчиларга хизмат қилишини таклиф этган. Озиқ-овқат сонаоти корхоналарининг НАССР талабларини

мажбурий бажариши Европа иттифоқининг кўплаб давлатларида юридик жихатдан ўрнатилган.

2.3 ISO 22000 стандарти бўйича асосий тушунчалар

Халқаро стандартлаштириш ташкилоти (ISO) 2005 йил августда озиқ-овқат маҳсулотларига мурожаат этувчи, қурилмалар таъминотчилари, идишлар, қадоқлаш, озиқ-овқат қўшимчалари, омухта-ем, ўғитлар ва ҳ.к. ишлаб чиқаришга жалб этилган ихтиёрий корхоналар учун OOMXMT ISO 22000:2005 халқаро стандартини қабул қилди. Шунингдек, стандарт чакана савдода, ресторан бизнесида, ювиш, дезинфекциялаш, зарар кунандалар билан курашув бўйича чора-тадбирларда, сақлаш, ташиш ва маҳсулотни тарқатишдаги турли хил хизматларни кўрсатиш бўйича бизнесда фойдаланиш учун ҳам қўлланилади.

Европа Иттифоқи мамлакатлари учун 2005 йил 1 июлдан кириш компоненталари (хом ашё)дан бошланиб, якуний маҳсулотни истеъмолчига етказишгача технологик занжирнинг аниқ ва равшанлиги мажбурийдир.

Еропанинг кўплаб мамлакатларида ва шунингдек, Ўзбекистонда ҳам озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда сифати ва хавфсизлиги талабларини ўрнатувчи миллий стандарт ва бошқа меъёрий ҳамда қонуний ҳужжат мавжуд.


Ҳозирги кунда Ўзбекистонда сифат менежменти тизимига талабларни ўрнатувчи O'z DSt ISO 22000:2010 “Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги менежменти тизими. Озиқ-овқат маҳсулотларини яратиш занжирида қатнашувчи ташкилотларга талаблар” стандарти қабул қилинган ва амалга жорий этилган.

Стандартнинг асосий мақсади қишлоқ хўжалиги фермаларидан бошланиб то дўкон савдосигача тугаган озиқ-овқат занжири доирасида озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлигини бошқариш глобал уйғунлаштириш бўлиб ҳисобланади.

ISO 22000:2005 – бу стандартлар оиласининг биринчи стандарти бўлиб у ўз ичига қуйидаги ҳужжатларни қамраб олади:

ISO/TS 22004:2005 «Озиқ-овқат хавфсизлиги тизими - ISO 22000:2005 ни қўллаш бўйича қўлланма» бўлиб, у 2005 йил ноябрда нашр этилган.

ISO/TS 22003:2007 «Озиқ-овқат хавфсизлиги тизими - Озиқ-овқат хавфсизлиги тизими сертификатлаштирувчи ва аудит ўтказувчи идоралар учун талаблар». У сертификатлаштириш идорасини аккредитлаштириш бўйича уйғунлаштирилган қўлланма бўлиб, Стандартга мувофиқ Озиқ-овқат хавфсизлиги тизими аудити бўйича қоидаларни аниқлайди. 2006 йилнинг биринчи кварталида нашр этилган.



1-расм. ISO 22000:2005 халқаро стандартнинг асосий элементлари

ISO 22005 «Озиқ-овқат маҳсулотлари ва омухта-ем занжирида кузатувчанлик – Умумий тамойиллар ва лойиҳалаштириш ва ишлаб чиқиш бўйича қўлланма». 1-расмда стандартнинг муайян талаблари асосий элементлари қаторида концепцияси кўрсатилган.

ISO 22000 халқаро стандарти талабларини тушунтириш учун Халқаро стандартлаштириш ташкилоти қабул қилган ISO/TS 22004:2005 техник шартига асосан тақдим этилган моделга мувофиқ менежмент тизимини куришда фойдаланиш мумкин.

ISO 22000 серияли халқаро стандартларни жорий этишга фақат Европа компания ва фирмалари киришиб кетишган. Маҳаллий амалиётда янги

серияларни навбатма-навбат жорий этиш якин келажакда озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини ижобий бўлишига замин яратади.

ISO 22000:2005 халқаро стандарти менежмент тизимига бошқа стандартларидан мустақил ҳолда қўллаш мумкин. Бунда у бирлашган хавфсизлик ва сифат менежменти тизимини яратишни енгиллаштириб, иккала стандарт мослашувчанлигини кучайтириш учун ISO 9001:2015 стандарти билан уйғунлашган.

ISO 22000:2005 халқаро стандарти озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигига конунчилик талаблари афзаллигини истовчи ташкилотларга талабларни аниқлаштиришга йўналтирилган. Бу халқаро стандарт озиқ-овқат тармоғининг (ишлаб чиқаришдан то истеъмолгача бўлган) ихтиёрий ташкилотлари шунингдек, бу ишлаб чиқаришни таъминлаш билан боғлиқ бўлган (бу тармоқ учун қадоклаш материаллари, қўшимчалар ва ингредентлар қурилмалар ишлаб чиқарувчи) ташкилотлари учун ҳам мўлжалланган. ISO 22000:2005 бирлашган бошқарув тизимини, масалан, ISO 9001:2015 ва HACCP бирлаштириб жорий этишни истаган компаниялар учун ишлаб чиқилган.

Шундай қилиб, ISO 22000 стандартларини озиқ-овқат занжиридаги барча турдаги: Ҳайвонлар учун озуқа ишлаб чиқаришдан тортиб то хом-ашё ишлаб чиқарувчи, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи, ташиш ва сақлашни ташкиллаштирувчи, субпудратчилар, умумий овқатланиш ташкилотлари ва чакана савдо дўконларигача бўлган ташкилотларгача қўлланилади.

ИСО 22000 халқаро стандарти ички ва ташқи афзалликларга эга.

Ички афзалликлари:

- Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигининг барча параметрларини қамраб олувчи технологик жараённинг барча босқичларига тизимли ёндашиш;
- Маҳсулот нуқсонини кечиктирмай, вақтида аниқлаш ва олдини олиш;
- Маҳсулот хавфсизлигига таъсир қилувчи параметрларни назорат қилиш
- Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлашда бирдек маъсулликни белгиламоқ;
- Ишлаб чиқаришда умумий ҳажмдаги нуқсонлар сонини камайтириш;

- ИСО 9001 халқаро стандарти ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги менежмент тизими билан интеграциясининг қўшимча имкониятлари;
- Давлат назорат органларини рухсатдан ташқари аралашувини чеклаш.
Ташқи афзалликлари:
- Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга истеъмолчилар ишончини ошириш;
- Маҳсулотларни янги ташқи бозорларга чиқариш;
- Турли хил тендер ва конкурсларда иштирок этишдаги қўшимча устунликларга;
- Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни рақобатбардошлигини ошириш;
- **Инвеститсияга** жалб қилишни ошириш;
- Маҳсулот сифати барқарорлиги ва хавфсизликни таъминлаш ҳисобига рекламатсиялар сонини пасайтириш;
- Сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчининг маъқеини кўтариш.

2.3.1 ISO 22000 структураси

Биз ўйлаймизки, OOMXMT ташкилотнинг барча турдаги бошқрув фаолиятлари бўйича интеграциялашганлигини ва янада самарадорлигини намоён этади. Бутун дунёда тан олинган ISO 9000 стандартида келтирилган сифат менежментининг саккизта тамойили бундай структурали бошқарув тизимини қуриш учун асос бўлиб ҳисобланади. Ва у ISO 22000 доирасида қўлланилиши ISO 9001:2015 стандарти билан талабларни уйғунлашуви ҳисобига таъминланади. Уйғунлашувнинг асосий жиҳатларидан бири ISO 22000 тузилмаси яъни OOMXMTга талаблар қуйидаги бўлимларда келтирилган:

- Умумий талаблар.
- Ҳужжатларга талаблар.
- Раҳбариятнинг жавобгарлиги.
- Ресурслар менежменти.


- Хавфсиз маҳсулотларни режалатириш ва фойдаланиш.
- Валидатлаш, верификатлаш ва тизимни яхшилаш.

Хавф-хатарларни бошқариш назарияси барча томонларнинг қабул қилинган даражагача аниқланган хавфларни камайтириш ёки бартараф этишга йўналтирилган бошқарув таъсирларини кўрсатиш хусусиятига эга ўзаро маълумот алмашинувини мажбурийлиги таъкидлайди. Энг муҳим жиҳати озиқ-овқат занжирининг ихтиёрий босқичида якуний истеъмолчи соғлиғи учун хавфларни ҳосил бўлиш имкони маълумот алмашинувининг айнан бир хиллигида фақат ҳар бир қатнашувчиларидан хавфсизликни бошқаришга келишиш зарурлигини кўрсатиб ўтилганлиги ҳисобланади. ISO 22000 стандартлари талабларида маълумотлар алмашинувиға таалукли 5.6 ва 7.10.4 бандларида аниқланган.

Бу билан боғлиқ ихтиёрий инсон – якуний истеъмолчилар талаблари нуқтасида озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигига эришиш учун асосий воситалардан бири ишлаб чиқарилаётган ва қўлланилаётган маҳсулотға таалукли ҳаётий циклининг барча босқичларида хавфларни аниқлаш билан боғлиқ масалалар бўйича барча озиқ-овқат занжирида самарали маълумотлар алмашинуви бўлиб ҳисобланади.

ООМХМТ доимий яхшилаш концепцияси

ООМХМТ доимий яхшилаш концепцияси ISO 22000 халқаро стандарти талабларига мувофиқ Шухарт-Деминг циклидан фойдаланиш орқали яратилган (2-расм.). Циклнинг «Plan» ва «Do» босқичлари 4-7 бўлимлар талабларини бажариш орқали ҳамда «Check» ва «Act» босқичлари эса 7 ва 8 бўлимлар талабларини бажариш орқали циклдан фойдаланиш асосланган.



2-Расм. ISO 22000:2005 халқаро стандартига мувофиқ ООХМТни доимий яхшилаш концепцияси

ISO 22000:2005 стандарт бундан ташқари номувофиқликларни бошқариш ва таҳлил қилиш процедураларига талаблардан ҳам таркиб топган.

Шухарт-Деминг цикли асосида стандарт талабларининг умумий тузилмасини куриш мавжуд ООМХМТ доимий яхшиланишини таъминлашга ёрдам беради.


2.4 ISO 22000:2005 стандартининг НАССР тамойиллари ва ISO 9001:2015 стандартларининг ўзаро боғлиқлиги

ISO 22000 халқаро стандарти талабларини тушунтириш учун Халқаро стандартлаштириш ташкилоти қабул қилган ISO/TS 22004:2005 техник шартига асосан тақдим этилган моделга мувофиқ менежмент тизимини куришда фойдаланиш мумкин.

Халқаро стандартлаштириш ташкилоти ISO 2005 йил ноябрда янги техникавий ўзига хос хусусиятлар (TS - Technical Specification) ISO/TS

22004:2005 Food Safety Management Systems - Guidance on the application of ISO 22000:2005 (Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги менежменти тизими - ISO 22000:2005 қўллаш бўйича қўлланма)ни расмий нашр этди. Бу ўзига хос хусусиятни қабул қилиниши ISO 22000 сериясини ишлаб чиқишнинг мантиқий давоми бўлиб ҳисобланди. ISO/TS 22004:2005 Хусусият (специфика)нинг асосий фарқи ISO 22000:2005 стандарти асосида кенгроқ талабларни регламентлаш билан фарқланади.

Хусусият (специфика)да Қарор қабул қилиш дарахти (3 - расм) киритилиб, хавфларни идентификациялаш ва таҳлил қилишдан бошланиб уларни назорат қилиш чора-тадбирларига тугайди. Бунинг ҳисобига Хусусият кенгроқ тушунтиришдан таркиб топган.



3-Расм. Қарор қабул қилиш дарахти.

Янги ISO 22000 серияли халқаро стандартларни жорий этишга фақат Европа компания ва фирмалари киришиб кетишган. Маҳаллий амалиётда янги серияларни навбатма-навбат жорий этиш яқин келажакда озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини ижобий бўлишига замин яратади.

ISO 22000 серияси – бу OOMXMT глобал тизимлар ҳаракатини ёриб ўтиб, HACCP тизими асосида дунё бўйича умум тан олинганлигини намоён этди. ISO 22000:2005 стандарти HACCP тамойилларига асосланган озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлигини бошқариш тизими ва ISO 9001:2015 тизими билан ўзаро муносабатда эканлигини кўриб чиқамиз (1-жадвал).

1 - жадвал

ISO 22000:2005 ва ISO 9001:2015 стандартларининг ўзаро боғлиқлиги.

ISO 22000:2005 бандлари ва ISO 9001:2008 бандлари билан ўзаро келишув ҳаволалари

ISO 22000:2005		ISO 9001:2015	
Кириш		0.1 0.2 0.3 0.4	Қўлланиш соҳаси Умумий қоидалар Жараёнли ёндошув ISO 9004 билан ўзаро боғлиқлиги. Бошқа менежмент тизимлари билан мослашувчанлиги
Қўлланиш соҳаси	1	1 1.1 1.2	Қўлланиш соҳаси Умумий қоидалар Қўлланилиши
Меъёрий ҳаволалар	2	2	Меъёрий ҳаволалар
Атама ва таърифлар	3	3	Атама ва таърифлар
Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги менежменти тизими	4	4	Сифат менежменти тизими
Умумий талаблар	4.1	4.1	Умумий талаблар
Ҳужжатларга талаблар	4.2	4.2	Ҳужжатларга талаблар
Умумий қоидалар	4.2.1	4.2.1	Умумий қоидалар
Ҳужжатларни бошқариш	4.2.2	4.2.3	Ҳужжатларни бошқариш
Ёзувларни бошқариш	4.2.3	4.2.4	Ёзувларни бошқариш
Раҳбариятнинг жавобгарлиги	5	5	Раҳбариятнинг жавобгарлиги
Раҳбариятнинг мажбуриятлари	5.1	5.1	Раҳбариятнинг мажбуриятлари
Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш соҳасида сиёсат	5.2	5.3	Сифат соҳасидаги сиёсат

Озиқ-овқат маҳсулотлари хафсизлиги менежментини режалаштириш	5.3	5.4.2	Сифат менежменти тизимини режалаштириш
Жавобгарлик ва ваколатлар	5.4	5.5	Жавобгарлик, ваколат ва маълумотлар алмашинуви
Озиқ-овқат маҳсулотлари хафсизлиги бўйича гуруҳ раҳбари	5.5	5.5	Жавобгарлик, ваколат ва маълумотлар алмашинуви
Маълумотлар алмашинуви	5.6	5.5	Жавобгарлик, ваколат ва маълумотлар алмашинуви
Ташқи маълумотлар алмашинуви	5.6.1	7.2.3	Истеъмолчилар билан алоқа
Ички маълумотлар алмашинуви	5.6.2	5.5.3	Ички маълумотлар алмашинуви
Фавқулот ҳолатларига тайёргарлик ва уларга мосланиш	5.7	5.2 8.3 8.5.3	Истеъмолчиларга мўлжалланиш Номувофиқ маҳсулотларни бошқариш Олдини оловчи амаллар
Раҳбарият томонидан таҳлил Умумий қоидалар Таҳлил учун кириш маълумотлари Таҳлилнинг чиқиш маълумотлари	5.8 5.8.1 5.8.2 5.8.	5.6 5.6.1 5.6.2 5.6.3	Раҳбарият томонидан таҳлил Умумий қоидалар Таҳлил учун кириш маълумотлари Таҳлилнинг чиқиш маълумотлари
Ресурсларни бошқариш	6	6	Ресурсларни бошқариш
Ресурслар таъминоти	6.1	6.1	Ресурслар таъминоти
Инсон ресурслари Умумий қоидалар Лаёқатлик, хабардорлик ва ўқитиш	6.2 6.2.1 6.2.2	6.2 6.2.1 6.2.2	Инсон ресурслари Умумий қоидалар Лаёқатлик, хабардорлик ва ўқитиш
Инфратузилма	6.3	6.3	Инфратузилма
Ишлаб чиқариш муҳити	6.4	6.4	Ишлаб чиқариш муҳити
Хавфсиз маҳсулотларни режалаштириш ва ишлаб чиқариш	7	7	Маҳсулотнинг ҳаёий цикли жараёнлари
Умумий қоидалар	7.1	7.1	Маҳсулотнинг ҳаёий циклини режалаштириш
Мажбурий дастлабки чора- тадбирлар дастури (дастурлар)	7.2 7.2.1 7.2.2 7.2.3	6.3 6.4 8.5.3	Инфратузилма Ишлаб чиқариш муҳити Олдини оловчи амаллар

Хавфларни таҳлилдан ўтказишга имкон берувчи дастлабки чора-тадбирлар	7.3	7.3	Лойиҳалаштириш ва ишлаб чиқиш
Умумий қоидалар	7.3.1		
Озиқ-овқат маҳсулотлари	7.3.2		
хавфсизлиги бўйича гуруҳ			
Маҳсулот тавсифи	7.3.3		
Назарда тутилган қўлланиши	7.3.4		
Технологик схемалар,	7.3 5		
бошқарув бўйича чора-тадбирлар ва жараёнлар босқичлари			
Хавфлар таҳлили	7.4	7.3.1	Лойиҳалаштириш ва ишлаб чиқишни режалаштириш
Умумий қоидалар	7.4.1	8.4	Маълумотлар таҳлили
Хавфларни идентификациялаш	7.4 2		
ва уларни мақбул даражаларини аниқлаш			
Хавфларни баҳолаш	7.4.3		
Бошқарув бўйича чора-тадбирларни танлаш ва баҳолаш	7.4.4		
Мажбурий дастлабки чора-тадбирлар ишлаб чиқариш дастурларини ишлаб чиқиш	7.5	7.3.2	Лойиҳалаштириш ва ишлаб чиқиш учун кириш маълумотлари
НАССР бўйича режани ишлаб чиқиш	7.6	7.3.3	Лойиҳалаштириш ва ишлаб чиқишнинг чиқиш маълумотлари
НАССР бўйича режа	7.6.1		
Критик назорат нуқталарини идентификациялаш	7.6.2		
Критик назорат нуқталари учун критик чегараларни аниқлаш	7.6.3		
Критик назорат нуқталарида мониторинг тизимлари	7.6.4		
Мониторинг натижалари критик чегаралардан ошганлигини кўрсатганла қабул қилинадиган амаллар	7.6.5		

НАССР бўйича режа ва мажбуий дастлабки чора-тадбирлар дастурлари асосида турган дастлабки маълумотлар ва ҳужжатларни долзарбликка қайта кўриб чиқиш	7.7	4.2.3	Ҳужжатларни бошқариш
Верификациялашни режалаштириш	7.8		
Кузатувчанлик тизими	7.9	7.5.3	Идентификация ва кузатувчанлик
Номувофиқ маҳсулотларни бошқариш	7.10	8.3	Номувофиқ маҳсулотларни бошқариш
Тўғрилаш	7.10.1	8.3	Номувофиқ маҳсулотларни бошқариш
Тўғриловчи амаллар	7.10.2	8.5.2	Тўғриловчи амаллар
Хавфлар мавжуд бўлган маҳсулотлар билан муомала	7.10.3	8.3	Номувофиқ маҳсулотларни бошқариш
Муомаладан чиқариш	7.10.4	7.2	Истеъмолчилар билан боғлиқ жараёнлар
Валидация, верификация ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги менежменти тизимини яхшилаш	8	8	Ўлчаш, таҳлили қилиш ва яхшилаш
Умумий қоидалар	8.1	8.1	Умумий қоидалар
Бошқарув бўйича чора-тадбирлар комбинацияларини валидатлаш	8.2	8.4 7.3	Маълумотлар таҳлили Лойиҳалаштириш ва ишлаб чиқиш
Мониторинг ва ўлчашларни бошқариш	8.3	7.6	Ўлчаш ва мониторинг учун қурилмаларни бошқариш
овқат маҳсулотлари хавфсизлиги менежменти тизимини верификатлаш	8.4	8.2	Мониторинг ва ўлчашлар
Ички аудит	8.4.1	8.2.2	Ички аудит
Алоҳида верификацияланган текшириш натижаларини баҳолаш	8.4.2	8.2.3	Жараёнлар мониторинги ва ўлчашлар
Верификацияланган фаолиятлар натижаларини таҳлил қилиш	8.4.3	8.4	Маълумотлар таҳлили
Яхшилаш	8.5	8.5	Яхшилаш
Узлуксиз яхшилаш	8.5.1	8.5.1	Узлуксиз яхшилаш

овқат маҳсулотлари хавфсизлиги менежменти тизимини долзарбликка қайта кўриб чиқиш	8.5.2	8.5.3	Олдини оловчи амаллар
---	-------	-------	-----------------------


Шундай қилиб, ISO 22000:2005 халқаро стандарти менежмент тизимига бошқа стандартларидан мустақил ҳолда қўллаш мумкин. Бунда у бирлашган хавфсизлик ва сифат менежменти тизимини яратишни енгиллаштириб, иккала стандарт мослашувчанлигини кучайтириш учун ISO 9001:2015 стандарти билан уйғунлашган.

4 – расмда OOMXMT тизимини самарали ишлаш компонентлари ҳамда HACCP ва ISO 22000:2005 стандартларининг ўзаро боғлиқлиги келтирилган.

ISO 22000:2005 стандартининг ISO 9001:2015 талабларидан фарқли жиҳатлари қуйидагилар ҳисобланади:

- авария ҳолатларига тайёгарлиги ва уларга мослашув бўйича процедураларни ишлаб чиқиш ва қўллаб қувватлаш;
- режалаштириш, алоҳида верификацияни ўтказиш ва натижаларини баҳолаш;
- маҳсулот партиясини кузатиш ва уни хом-ашё етказиш билан боғлиқлиги;
- муомаладан чиқариш бўйича мажбурий ҳужатлаштирилган процедурани тасдиқлаш ва натижаларини қайд этиш.

ISO 22000:2005 халқаро стандарти озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигига қонунчилик талаблари афзаллигини истовчи ташкилотларга талабларни аниқлаштиришга йўналтирилган. Бу халқаро стандарт озиқ-овқат тармоғининг (ишлаб чиқаришдан то истеъмолгача бўлган) ихтиёрий ташкилотлари шунингдек, бу ишлаб чиқаришни таъминлаш билан боғлиқ бўлган (бу тармоқ учун қадоқлаш материаллари, қўшимчалар ва ингредентлар қурилмалар ишлаб чиқарувчи) ташкилотлари учун ҳам мўлжалланган. ISO 22000:2005 бирлашган бошқарув тизимини, масалан, ISO 9001:2015 ва HACCP бирлаштириб жорий этишни истаган компаниялар учун ишлаб чиқилган.



 Алиментариус Кодекси раҳбарий қўлланмасига мурожаат этувчи босқичлар


4-Расм. Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини режалаштириш.

Шундай қилиб, ISO 22000 стандартларини озиқ-овқат занжиридаги барча турдаги: хайвонлар учун озуқа ишлаб чиқаришдан тортиб то хом-ашё ишлаб чиқарувчи, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи, ташиш ва сақлашни ташкиллаштирувчи, субпудратчилар, умумий овқатланиш ташкилотлари ва чакана савдо дўконларигача бўлган ташкилотларгача қўлланилади.

III-БОБ. ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ISO 22000 ХАЛҚАРО СТАНДАРТИ АСОСИДА СИФАТ ВА ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ

3.1 НАССР концепцияси

НАССР – концепцияси маҳсулотлар хавфсизлигига жиддий таъсир этувчи хавфли омилларни тизимли идентификациялаш, бошқариш ва баҳолашни назарда тутди. У биринчи бўлиб 1990 йилнинг бошларида АҚШда пайдо бўлди. Европа Иттифоқи (ЕИ) мамлакатларида 1993 йилда ишлар озиқ-овқат маҳсулотларининг гигиенаси бўйича Директивалар (93/43) қабул қилинганидан сўнг НАССРни жорий этиш бўйича ишлар бошланган. Бунда озиқ-овқат саноати корхоналаридан ишлаб чиқарётган маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш ва технологик жараёнларни аниқланган нукталарда мониторингини ўтказиш учун технологик жараёнлар параметрларида аниқланган критик, хавф-хатарлар таҳлилини ўтказиш талаб қилинган.

Хавф-хатарлар таҳлили ва критик назорат нукталари тизими илмий-асосланган тизим бўлиб, хавф-хатар омилларини назорат қилиш ва идентификациялаштириш йўли билан маҳсулотни хавфсиз ишлаб чиқарилишини кафолатлашга имкон беради. НАССР тизими халқаро ташкилотлар томонидан қабул қилган, ўзининг самарадорлигини исботлаган озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлигини таъминловчи тизимлардан бўлиб ҳисобланади. НАССР тизимидан фойдаланиш якуний маҳсулотни синашдан озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлигини таъминлашда олдини олиш усуллари ишлаб чиқишга ўтиш имконини беради. НАССР тизими концепцияси 5-расмда келтирилган.


Шундай қилиб, НАССР тизими мустаҳкам пойдеворга асосланиши лозим.

Бу пойдевор ишлаб чиқаришга мувофиқ ҳолда куйидагилардан иборат:

- Виждонан ишлаб чиқариш усуллари (GMP).
- Санитар назорат усуллари (СНУ).

GMP ва СНУ ишлаб чиқариш шароитларига таъсир этади ва шунинг учун

НАССР тизимини жорий қилишдан олдин дастлабки дастурлари билан мувофиқ бўлиши лозим.



5-Расм. НАССР тизими концепцияси

3.2 ООМХМТ ишлаб чиқиш ва жорий қилишда НАССР тамойилларини қўллаш

НАССР тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш учун у ёки бу ишлаб чиқариш учун НАССР режасини ишчи ҳолатда қўллаш, яратиш ва жорий этиш тартибини аниқловчи етгита тамойилини қўллаш лозим.

Тамойил №1 Хавф-хатарлар (хавфли омиллар) таҳлилинини ўтказиш. Жараён таркибидаги операциялар рўйхатини тайёрлаш, қўлланиладиган назорат усулларини баён этиш, аҳамиятга эга бўлган хавф-хатарларни юзага келиши мумкин бўлган босқичларни аниқлаш лозим. Хом-ашёни олишдан бошлаб то якуний маҳсулотгача бўлган барча босқич жараёнларини тўлиқ акс эттирувчи ишлаб чиқариш жараёнларининг блок-схемаси тузилади. Схема тузилганидан сўнг, ҳар бир босқичда юзага келиши мумкин бўлган барча мавжуд хавфли омиллар идентификацияланади яъни бунда аҳамиятга эга хавфларни аниқлаш учун хавф-хатарлар даражаси аниқланади ва уларни назорат қилиш учун зарурий чора-тадбирлар баён этилади. Бу хавф-хатарларни таҳлил қилиш НАССР тизимида асосий босқичи бўлиб ҳисобланади. Таҳлил қилишга киришидан олдин гуруҳни НАССР тизимида қўлланиладиган хавфли омилларни аниқлаш билан таништириш лозим.

Тамойил №2 Критик назорат нуқталарини (КНН) ўрнатиш. Хавфли омиллар таъсири эҳтимоллигини минимумга келтириш ёки қайтарилмаслиги учун назорат қилиниши керак бўлган жараён босқичлари ва операциянинг критик нуқтаси аниқланади.

Тамойил №3 Параметрларнинг юқори қийматлари (критик чегаралари)ни ўрнатиш. Ҳар бир аниқланган КНН бўйича назорат чора-тадбирларини қўллаш .

Тамойил №4 КНН назорат қилиш учун мониторинг тизимини ишлаб чиқиш. КНН назорат қилиш процедурасини, кузатиш ва ўлчашларнинг даврийлик тизимини, яъни ўрнатилган чегаралар доирасида КНН ҳолатини тасдиқлаш мақсадида аниқлаш лозим. Режалаштирилган синовлар ёки ўлчашлар ёдамида критик назорат нуқталарини назорат қилиш имконини

берувчи мониторинг тизими яратилади.

Тамойил №5 Назорат остида турган КНН у ёки бу чиқишлари тўғрисидаги мониторинг натижалари гувоҳлик берган ҳолатларда қўлланиладиган тўғриловчи амалларни аниқлаш. Ушбу тамойилга мувофиқ тўғриловчи амалларни қўллаш тартибини ишлаб чиқиш ва уни қўллаш учун жавобгарларни қайд этиш зарур.

Тамойил №6 НАССР тизими ҳаққоний ишлашини тасдиқловчи текшириш (верификатлаш) процедурасини ишлаб чиқиш. Чоратадбирларни бажариш давомини акс эттирувчи (мумкин бўлган ҳужжатлар рўйхат-ҳисобини) самарали ҳисоб тартибини ишлаб чиқиш ва юритиш; тўғриловчи амаллар ва технологик операцияларни ҳужжатлаштириш ва юритиш учун жавобгарларни тайинлаш лозим. Бундан ташқари НАССР тизимининг самарадорлигини тасдиқлаш икониётини берувчи текшириш процедурасини ишлаб чиқиш керак.

Тамойил №7 Ушбу тамойилларга тааллуқли барча процедуралар ва ёзувларни тасдиқлаш ва уларни қўллаш. Параметрларнинг юқори қийматидан ихтиёрий оғишлар бўйича ҳаққоний тўғриловчи амалларни қўллаш тўғрисидаги ва НАССР тизимининг ишлаши назорат остидалиги тўғрисидаги ёзувларни юритиш. Бундай ҳужжатли расмийлаштириш хавфсиз маҳсулот ишлаб чиқаришни далолатлаш бўлиб ҳисобланади.

НАССР тамойиллари озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида, шунингдек, донни қайта ишлашда, озиқ-овқат маҳсулотларини дастлабки ишлов бериш ва қайта ишлашда, ташиш ва буюртмачига етказиб бериш босқичларида ҳамда истеъмолчилар истеъмоли ва сотиш тизимларида қўллаш мумкин.

3.3 Хавф-хатарларни аниқлаш ва таҳлил қилиш

НАССР асосида сифат тизимига жойлаштирилган барча тамойиллар озиқ-овқат маҳсулотларига биринчи даражали талаблар, хавфсизлигига муҳим таъсир этувчи хавфли омилларни баҳолаш ва бошқариш, тизимли идентификациялаштириш кўзда тутилган.

ISO/IEC-51 халқаро қўлланмасига мувофиқ асосий хавфлар турларини кўриб чиқамиз. **Ҳозирги кунда куйидаги хавфлар классификацияси мавжуд:**

1. Жароҳат олиш хавфи.
2. Электр токидан шикастланиш хавфи.
3. Ёнғин, портлаш хавфи.
4. Буюм ишлашида юқори кўрсаткичдаги ҳарорат таъсиридаги хавф.
5. Кимёвий хавф.
6. Биологик ва микробиологик хавфлар.
7. Нурланиш хавфи.

Шу тарзда хавфларни бартараф этиш мақсадида маҳсулотга талабларни киритиш лозим.

НАССР тизимида хавфли омил – озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигига сабаб бўлувчи ихтиёрий биологик, кимёвий ёки физик хавф-хатарларни киритиш мумкин.

НАССР тизими хавф-хатарларини нолгача камайтирмайди унинг мақсади озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигига хавфларни, хавфли омилларни минималлаштириш бўлиб ҳисобланади. **Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигига хавф туғдирувчи хавфли омилларни учта гуруҳга бўлиш мумкин: биологик, кимёвий ва физикавий.**

Биологик хавфли омилларга зарарли бактериялар, вируслар ва паразитлар (масалан, сальмонелла, тилла ранг стафилококк, ичак таёқчаси) тааллуқли. **Кимёвий хавфли омилларга** – бевосита ёки маълум бир вақтдан кейин зарар етказувчи, маҳсулотга сунъий йўл билан қайта ишлашда ёки қайта ишлаш жараёни давомида (масалан, антибиотиклар, пестицидлар, аллергенлар) четдан кирадиган моддалар бўлиши мумкин. **Физикавий хавфли омилларга** озиқ-овқат маҳсулотларидаги турли тоифадаги предметлар яъни инсон организмига тушганда зарар етказиши мумкин бўлган (масалан, шиша, металл, дарахт) предметлар тааллуқлидир.

2 - жадвалда бактериологик хавфли омилларнинг асосий турларига мисоллар келтирилган.

Бактериологик хавфли омилларнинг асосий турлари

Микроорганизмлар	Нима учун хавфли ҳисобланади?
<i>Listeria monocytogenes</i> (носпорали шаклда)	Гриппга ўхшаш кучсиз симптомлар билан инфекцияни келтириб чиқаради. Листериоз жиддий шакллари кучсизланган иммун тизимли одамларда ривожланиши ва септицемия, менингит, энцефалитни ва ўлик туғилишни келтириб чиқариши мумкин.
<i>Salmonella</i> (носпорали шаклда)	Қуйидаги симптомлар билан инфекцияни келтириб чиқаради: кўнгил айланиши, қорин ориғи, диарея, иссиқ чиқиши ва бош оғриғи. Кучсизланган иммун тизимли одамларда ўлимга олиб келиши мумкин.

Кимёвий хавф омилларини пайдо бўлишининг асосий манбаларини кўриб чиқамиз:

1. Бехосдан озиқ-овқатга тушувчи химикатлар:

а) қишлоқ хўжалиги химикатлари: пестицидлар, гербицидлар, ҳайвонлар учун доривор препаратлар, **ўғитлар** ва ҳ.к.

б) корхона фойдаланиладиган химикатлар: дезинфекциялаш учун тозалаш ва ювиш воситалари, ёғлар, мойлаш материаллари, буёқлар, пестицидлар ва ҳ.к.

с) ташқи муҳитдан заҳарланиш: кўрғошин, кадмий, симоб, мышьяк, РСВ.

2. Табiiй пайдо бўлувчи кимёвий хавф-хатар омиллари: ўсимлик маҳсулотлари, ҳайвонот ёки микробли метаболизмлар.

3. Бехосдан озиқ-овқатларга қўшиладиган химикатлар: консервантлар, кислоталар, қайта ишлашни енгиллаштириш хусусиятига эга моддалар, озиқ-овқат қўшимчалари ва ҳ.к.

3 – жадвалда табiiй хавфли моддалардан таркиб топган маҳсулотларга мисоллар келтирилган:

Кимёвий хавфли моддалардан таркиб топган асосий маҳсулотлар

Манба	Нима учун хавфли ҳисобланади?
Бир нечта балиқ турлари (масалан, тунец)	Бир неча балиқ турлари гистамин токсик даражасини шаклланишига келтириб чиқариши мумкин
Ёнғоқлар, денгиз маҳсулотлари	Бир неча тури ва навлари сезгир одамларда аллергия реакцияларни ҳосил қилади
Маккажўхори	Бир неча моғор турлари маккажўхорида ўсиб, токсинлар (масалан, афлатоксин)ни ишлаб чиқариши мумкин

Физикавий хавфли омиллар инсонга шкаст етказувчи ёки касалликка чалиниши келтириб чиқарувчи озиқ-овқат маҳсулотларига тасодифан бошқа тоифадаги предметлар ёки физикавий предметлар бўлиб ҳисобланади. Бошқа тоифадаги материаллар булар шиша, металл ёки пластик сифатда бўлиб, технологик жараёнлар давомида курилмалар нотўғри эксплуатация қилинганлиги учун ёки технологик жараёнларга риоя қилинмаганлиги учун парранда ва гўшт маҳсулотларига кўпроқ маълум бўлган физикавий хавфли омиллар ҳисобланади.

Шундай қилиб, Санитар қоидалар ва меъёрларда озиқ-овқат маҳсулотлари учун биринчи галда ҳисобга олинadиган омиллар руйхати ва ўзгаришларсиз хавфли омиллар келтирилган. Ҳар бир мавжуд омиллар хавф-хатарлар рухсат этилган даражадан оширмаслиги бўйича омиллар рўйхати тузилади ва уларнинг кетма-кетлиги ва омилларнинг пайдо бўлиш эҳтимоллигини ҳисобга олиб таҳлили ўтказилади. Агар мақбул хавф-хатарлар мавжуд бўлмаслиги тўғрисида маълумотлар бўлмаса, НАССР гуруҳи уни эксперт йўли билан ўрнатади. **3-расмда** диаграмма бўйича хавф-хатарлар таҳлили методи келтирилган. Маҳсулотда қатнашадиган атроф-муҳит, ходимлар ҳамда курилмадан чиқувчи ва бошқа хавфли омилларни ҳисобга олинади.

1. Эксперт усули барча мавжуд маълумот манбалари ва НАССР гуруҳи аъзоларининг амалий тажрибаси ҳисобга олиш билан тўрта: амалда нолга тенг, аҳамиятсиз, аҳамиятли ёки юқори баҳолаш вариантларидан келиб чиқиб хавфли омиллардан фойдалиниш эҳтимоллиги баҳоланади.

2. Эксперт йўли билан шунингдек, тўрта: енгил, ўртача қийинликда, қийин, критик баҳолаш вариантлари имкониятидан келиб чиқиб хавфли омиллардан фойдаланиш қийинлиги натижаси баҳоланади.

3. Хавф-хатарли омиллар қўлланилиш эҳтимоллиги қийинчилигини инобатга олиб сифат диаграммаси координатасида рухсат этилган хавф-хатарлар чегараси 6-расмда кўрсатилганидек қурилади.

Шунингдек, 3 устунда хавфли омилларни идентификациялаш учун назорат қилинаётган шу операцияга хавф-хатарлар аломати ёки назорат қилинадиган параметрлари кўрсатилади.

4 - жадвал

Ҳар бир операция бўйича олдини олувчи амаллар рўйхати

Операция номи	Ҳисобга олинадиган хавфли омил	Назорат аломатлари	Олдини олувчи амаллар
1	2	3	4

3.2.2 Критик назорат нуқталарни аниқлаш

Критик назорат нуқта. Критик назорат нуқта хавфли омилларни ва барча операцияларни шунингдек, ишлаб чиқариш жараёнлари блок-схемаларини ҳисобга олиб аниқланади. Критик назорат нуқталари зарурий шарт қўрилаётган операциянинг хавф-хатарлар аломатларни назорат қилиш (хавфли омилларни идентификациялаш ва (ёки) олдин олувчи (бошқарувчи) таъсирлар, хавф-хатарларни бартараф этиш ёки рухсат этилган даражагача камайтириш) бўлиб ҳисобланади.

Критик назорат нуқтани “Қарор қабул қилиш дарахти” усули билан аниқлаш алгоритми **6 – расмда** келтирилган.

Критик назорат нуқталар миқдорини зиён етказмасдан камайтириш мақсадида шартларни бажариш учун нуқталарни инобатга олмасдан уларнинг хавфсизликни таъминлаш учун бажариладиган шартлар қуйида келтирилган.

Олдини олувчи таъсирлар санитар қоидалар ва меъёрларда, қурилмаларни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш тизимида, сифат тизими процедураларида ва корхонанинг бошқа менеджмент тизимларида регламентланган ва режали тартибда тизимли амалга оширилади.

Назорат нуқталарига тааллуқли бўлмаган олдини олувчи таъсирларни бажарилиши ички текширувни ўтказишда даврий текширилади ва НАССР гуруҳи баҳолайди. Хавфли омилларнинг таҳлил натижалари ва криик назорат нуқталарини аниқлаш асосланган ва ҳужжатлаштирилган бўлиши шарт.

Критик назорат нуқталари учун критик чегаралар қуйидагича ўрнатилади:

- идентификациялаш мезонлари – хавфли омиллар учун;
- рухсат этилган (рухсат этилмаган) хавф-хатарлар мезонлари – хавф-хатарлар аломатларини назорат қилиш учун;
- рухсат этилган чегаралар – қўлланиладиган олдини олувчи таъсирлар учун. “Критик чегарлар” деб номланувчи критик ва рухсат этилган чегаралар барча хатоликларни шунингдек, ўлчашларни ҳам ҳисобга олиб берилиши шарт. Миқдорий аломатларни визуал кузатув билан баҳолашда эталон-намуналардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Критик чегаралар 5 – жадвалда келтирилган шакл бўйича НАССР ишчи варағида киритлади.

НАССР ишчи вараги шакли

Маҳсулот номи _____

Технологик жараён номи _____

Операциялар номи	Хавфли омиллар	Критик назорат нуқта рақами	Назорат қилинадиган параметр ва унинг чегаравий қиймати	Мониторинг процедураси	Текширилувчи амаллар	Рўйхат-хисоб ҳужжати
1	2	3	4	5	6	7


НАССР тизими қуйидаги мақсадларга эришишга йўналтирилганлигини таъкидлаш зарур:

- НАССР тизими истеъмолчилар соғлиғи ва ҳаёти учун хавфларни пайдо бўлиш хавф-хатари даражасини рухсат этилгангача камайтириш ёки тўлиқ бартараф этиш ҳисобига озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигига ишончни ошириш.
- НАССР тамойиллари асосида тайёрлаш, қайта ишлаш, ишлаб чиқариш, тарқатиш, юклаш, ташиш, сақлаш ва фойдаланишда хавф-хатарларни бошқариш бўйича ишларни тартиблаштириш ва мувофиқлаштириш ҳисобига сифат барқарорлигини ошириш ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларининг яроқлилиги муддатини узатириш.
- Ишлаб чиқариш меҳнати, технологик жараёнларни самарадорлиги ошириш ва яроқсиз маҳсулотларни камайтириш (такрорий қайта ишлаш ва чиқиндиларни камайтириш), корхона даромадини ошириш.
- Критик чегараларни аниқлаш ва хавфли омилларни баҳолаш ҳамда аниқлашда НАССР тизими ва унинг мониторинги, асосланган назорат нуқталари номенклатурасини ўрнатиш ҳисобига ишлаб чиқариш жараёнида мажбурий стандартлар талабларига риоя этиш учун давлат текшируви ва назорати ўтказишга кўмаклашиш.

Маҳсулот ишлаб чиқаришга мўлжалланган НАССР тизимини сертификатлаштирувчи ташкилотлар учун мувофиқлик белгиси товар юк-хатида, (ёрлиқларида, этикеткасида) кадоқларида қўйилиши мумкин.

Маҳсулотни ташиш, сақлаш ва (ёки) фойдаланишга мўлжалланган НАССР тизимини сертификатлаштирувчи ташкилотлар учун мувофиқлик белгиси расмий бланкларда ва сертификатни сақловчисининг реклама манбаларида қўйилиши мумкин.

Халқаро стандартлаштириш ташкилоти (ISO) 2005 йил августда озиқ-овқат маҳсулотларига мурожаат этувчи, қурилмалар таъминотчилари, идишлар, кадоқлаш, озиқ-овқат қўшимчалари, омухта-ем, ўғитлар ва ҳ.к. ишлаб чиқаришга жалб этилган ихтиёрий корхоналар учун OOMXMT ISO 22000:2005 халқаро стандартини қабул қилди. Шунингдек, стандарт чакана савдода, ресторан бизнесида, ювиш, дезинфекциялаш, зарар кунандалар билан курашув бўйича чора-тадбирларда, сақлаш, ташиш ва маҳсулотни тарқатишдаги тарли хил хизматларни кўрсатиш бўйича бизнесда фойдаланиш учун ҳам қўлланилади.




6-Расм. Хавф-хатарларни таҳлил қилиш диаграммаси

Агар нукта чегарада ёки юқорида бўлса, омил ҳисобга олинади, қуйида бўлганда эса ҳисобга олинмайди.

НАССР гуруҳи хавф-хатарларни бартараф этиш ёки уларни рухсат этилган даражагача камайтиришга олдини олиш амалларни аниқлаш ва ҳужжатлаштириши лозим. Олдини олувчи амалларга ишлаб чиқариш технологик жараёнлари параметларини назорат қилиш; термик қайта ишлаш; консервантларни қўллаш; металлдетекторлардан фойдаланиш; зарарли моддалар концентрациясини даврий назорат қилиш; қурилмаларни, воситаларни, қўл ва пойафзал ва бошқаларни ювиш ва дезинфекциялаш тааллуқли.

Олдини олувчи амаллар рўйхати қуйдаги жавал кўринишида тақдим этилади.



6-Расм. Критик назорат нуқталарини аниқлаш учун “Қарор қабул қилиш дарахти” методи.

3.3 НАССРни жорий этиш босқичлари

НАССР тамойиллари, НАССРни жорий этиш босқичлари ва ISO 22000:2005 бандлари билан ўзаро кесишув ҳаволалари

НАССР тамойиллари	НАССРни жорий этиши босқичлари		ISO 22000:2005	
	НАССР бўйича гуруҳни йиғинг	1-Босқич	7.3.2	Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги бўйича гуруҳ
	Маҳсулотни тавсифланг	2-Босқич	7.3.3	Маҳсулот тавсифи
	Мўлжалланган қўлланилишини идентификатлаштириш	3-Босқич	7.3.4	Мўлжалланган қўлланиш
	Технологик схемани тавсифланг. Ишлаб чиқариш майдонида технологик схемани тасдиқлаб олинг	4-Босқич 5-Босқич	7.3.5	Технологик схемалар, жараён босқичлари ва бошқариш бўйича чоралар
1-Тамойил Хавфлар таҳлилини бажаринг	Барча мавжуд хавфлар рўйхатини тузиб чиқинг. Хавфларни таҳлил қилинг. Бошқариш бўйича чоралар имконини кўриб чиқинг	6-Босқич	7.4	Хавфлар таҳлили
2-Тамойил Критик назорат нуқталарини аниқланг	Критик назорат нуқталарини аниқланг	7-Босқич	7.6.2	Критик назорат нуқталарини идентификациялаш
3-Тамойил Критик чегарани (критик чегаралар) ўрнатинг	Ҳар бир критик назорат нуқталари учун критик чегараларни ўрнатинг	8-Босқич	7.6.3	Критик назорат нуқталари учун критик чегараларни ўрнатинг
4-Тамойил Критик назорат нуқталари учун	Ҳар бир критик назорат нуқталари учун мониторинг тизимини	9-Босқич	7.6.4	Критик назорат нуқталарида мониторинг tizими

мониторинг тизимини ишлаб чиқинг	ишлаб чиқинг			
5-Тамойил Мониторинг натижалари муайян критик назорат нуктада бошқарув йўқлигини кўрсатган ҳолатларда, натижаларни инобатга олиб қабул қилинадиган тўғриловчи амалларни аниқланг	Тўғриловчи амалларни аниқланг	10-Босқич	7.6.5	Мониторинг натижалари критик чегаралардан юқори кўрсатган ҳолатларда қабул қилинадиган амаллар
6-Тамойил НАССР тизими самарали ишлашини тасдиқлаш учун верификация процедураларини ишлаб чиқинг	Верификациялаш процедурасини ишлаб чиқинг	11-Босқич	7.8	Верификациялашни режалаштириш
7-Тамойил Ушбу тамойиллар ва уларни қўллашга мувофиқ барча процедура ва ёзувлар муносабатини ҳужжатлаштиришни ишлаб чиқинг	Ҳужжатлар ва ёзувларни юритилишини ўрнатинг	12-Босқич	4.2 7.7	Ҳужжатларга талаблар Дастлабки маълумотларни ва ҳужжатларни долзарбликка қайта кўриб чиқиш

Озиқ-овқат занжирида бевосита ёки билвосита жалб этилган ихтиёрий ташкилотларда ООХМТни яратишда фойдаланиш мумкин. Бунда ISO 22000 ва НАССР сифатида ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, тарқатиш, сақлаш ва озиқ-овқат маҳсулотлари ва уларнинг ингредиентлари билан муомала қилиш, бирламчи ишлаб чиқаришдан то охирги истеъмолгача жалб қилинган фаолиятлар ва кетма-кетликдаги босичлардаги озиқ-овқат занжири қаралади.

Бундан ташқари, ISO 22000:2005 стандарти ўзида НАССР тизими

тамойилларини камраб олиб, дастлабки зарурий дастурлар билан бирга қўшиб уларни қўллашда озиқ-овқат маҳсулоти занжирининг барчасида гигиеник атроф-муҳитни ҳимоялаш бўйича қўллаб-қувватлаш учун фаолиятлар ва шароитлар базаси зарур бўлади. Дастлабки зарурий дастурнинг муайян қўриниши ташкилот тури, ташкилот озиқ-овқат занжирининг қайси секторида фаолият юритишига боғлиқ бўлади. Бундай дастурларга амалиётнинг тўғри фаолияти сифатида номланувчи: тўғри қишлоқ хўжалик фаолияти (GAP), тўғри ветеринария фаолияти (GVP), тўғри ишлаб чиқариш фаолияти (GMP), тўғри савдо фаолияти (GTP), тўғри гигиеник фаолият (GHP) ва бошқалар киради.

Эслатиб ўтамиз, стандартда назарда тутилган хавфсизликни бошқариш йўлари хавфсизликларни таҳлил қилиш ёрдамида аниқланадиган ишчи дастлабки зарурий дастурлар ҳисобланади. Бу тўғри амалиётлар стандарт атамаларида дастлабки зарурий дастурлар (ДЗД) деб келтирилган бўлиб, у озиқ-овқат маҳсулотлари ҳаёти циклининг барча босқичларида зарурий гигиеник талабларни таъминлаш имконини берувчи ташкилотнинг кундалик ишлаш шароитлар ва хусусиятлари ҳисобланади. Бундай дастурлар ISO 22000 стандарти модели бўйича ООМХМТни автономлиги асосини яратади ва фақат НАССР тамойилларини қўшиб олувчи ООМХМТдан тубдан фарқ қилади.

Бунда ISO 22000:2005 стандарти озиқ-овқат занжирида юзага келиши кутилаётган асосланган барча хавфлар идентификацияланишини ва баҳоланишини талаб қилади. Хавфларни батафсил таҳлилдан ўтказилиши эса бошқарувчи таъсирлар комбинациясини самарали ўрнатиш учун талаб этиладиган билимларни тизимлаштириш, озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги менеджменти тизимининг натижавийлигига ёрдам беради. Бундай бошқариладиган таъсирларни қўллашдан мақсад истеъмолчилар соғлиғи учун хавфларни мақбул даражада камайтириш, бартараф қилиш ёки йўқотишдир.

ISO 22000:2005 стандарти талабларига мувофиқ хавфларни таҳлилдан ўтказишнинг якуни босқичи НАССР режаси ва ишчи дастлабки дастурлар, зарурий дастлабки дастурларни бириктириб олган стратегия бўлиши лозим – аҳамиятли хавфларни бошқаришни амалга оширишга ёрдам берувчи

стратегияни аниқлаш ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб Донни қайта ишлаш озиқ-овқат корхонаси мисолида НАССРни тахминан қуйидагича жорий этиш мумкин.

Корхона ҳақида қисқача маълумот: Мазкур донни қайта ишлаш озиқ-овқат корхонаси 1998 йилдан бошлаб фаолият юритиб келмоқда. Корхонанинг асосий фаолияти донни қайта ишлаб чиқаришдир. Корхона тайёр маҳсулотлари бўлиб асосан Ун, ёрма, кепак ва бошқалар ҳисобланади. Корхонада жами бўлиб 150 нафар ходим ва ишчилар ишлайди.

Корхонада озиқ овқат маҳсулотлари хавфсизлиги бўйича ишчи гуруҳ таркиби қуйидагича:

1. Технолог, сифат бўйича ваколатли шахс
2. Ишлаб чиқариш бўйича директор ўринбосари
3. Ишлаб чиқариш бўлим бошлиғи ва ходимлари
4. Маслаҳатчи

Корхонада амалга ошириладиган дастлабки чора тадбирлар зарурий дастури

Зарурий дастур номи	Санитария қоидаларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш	Виждонан ишлаб чиқариш амалиёти (GMP)
Дастурни бажариш жойи	Ишлаб чиқариш бўлими	Ишлаб чиқариш бўлими
Дастурларни кўриб чиқиш	Керакли даражада	Керакли даражада
Асл нусха хужжатлар сақланадиган жой	Ишлаб чиқариш бўйича директор ўринбосари	Ишлаб чиқариш бўйича директор ўринбосари
Зарурий дастурни ишлаб чиқиш ва назорат қилишга жавобгар шахс	Технолог, сифат бўйича ваколатли шахс	Технолог, сифат бўйича ваколатли шахс
Дастур тавсифи	Дастур, ходимлар ишга келгунга қадар ва кетгандан сўнг ишлаб чиқариш бинолари ва жихозларини даврий тозалаш ишларини бажариш, санитария қоидаларига риоя қилиш бўйича йўриқномалар тўпламидан таркиб топган	Виждонан ишлаб чиқариш амалиётини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш тартиби бўйича тавсияномадан таркиб топган.

Зарурий ёзувлар	1.Йўриқномаларни қўллаш бўйича ёзувлар 2.Ходимларни йўриқнома билан танишганлиги тўғрисидаги ёзувлар	1.Йўриқномаларни қўллаш бўйича ёзувлар 2.Ходимларни йўриқнома билан танишганлиги
Нативавийликни баҳолаш йўли	Йўриқноманинг бажарилиётганлиги устидан Сифат бўйича ваколатли шахс томонидан доимий назорат олиб бориш	Йўриқноманинг бажарилиётганлиги устидан ишлаб чиқариш бўйича директор ўринбосари томонидан доимий назорат олиб бориш

Махсулот хом ашёси, таркибий қисмлари ва махсулот билан бевосита кантактда бўлувчи воситалар тавсифи

1. Хом ашёси тавсифи

1. Таркибий қисмини номланиши	Дон
2. Хом ашёнинг муҳим тавсифи (биологик, кимёвий, физикавий)	Зараркунандалар билан зарарланганлиги, хиди, хажми. Буғдой кимёвий таркибида 11,6 - 12,7 % оксил , 69 % углевод , 2 % ёғ , 3,5 % клетчатка ва 2 % кул микдори бор, Вазни хар бир қопда 50 кг
3. Рецепттура таркиби	Тозаланган дон
4. Ишлаб чиқаришда қўллаш	Ун тортишда, омикта ем тайёрлаш
5.Қадоқлаш, етказиш йўллари (усули)	Қоплаб, ёки усти ёпиқ химояланган озода автомашина
6. Сақлаш шароити ва муддати	Харорат донни халатига қараб хар хил шароитда сақланади муддати чекланмаган(Тахминан 50-60% намлик максимал харорат 65 ⁰ C)
Қабул қилиш мезони	Сертификат асосида

2. Маҳсулот билан бевосита кантакта бўлувчи воситалар

1. Маҳсулот билан бевосита кантакта бўлувчи воситанинг номланиши	Қоп, полиэтилен
2. Хом ашёнинг муҳим тавсифи (биологик, кимёвий, физикавий)	50 кг хажмли, полиэтилен 10, 5, 3, 2, 1 кг хажмли
3. Рецепттура таркиби	Кимёвий ашё
4. Ишлаб чиқариш қўллаш	Дон ва унни қоплашда, қадоқлаш
5. Қадоқлаш, етказиш йўллари	Исталган ҳолатда
6. Сақлаш шароити ва муддати	муддати чекланмаган
7. Қабул қилиш мезони	Сертификат, хулоса асосида

3. Якуний маҳсулот тавсифи

1. Якуний маҳсулотнинг номланиши	Ун
2. Хом ашёнинг муҳим тавсифи (биологик, кимёвий, физикавий)	Хиди, ранги, таъми, ғижирлашиш, заракунандалар билан зарарлаганлиги, металломагнит аралашмалар миқдори, нон пишириш йўли билан нонбоплик хоссаси.
3. Рецепттура таркиби	Ун, дон
4. Ишлаб чиқаришда қўллаш	Нон ва қандолат маҳсулотлари
5. Қадоқлаш етказиш йўллари	Қоп ёки махсус темир идиш
6. Сақлаш шароити ва муддати	МХ, ГОСТ талабларига асосида
7. Қабул қилиш мезони	Сертификат асосида

Сертификатлаштириш тартиби

Аризачи сертификатлаштиришда иш ҳажмини аниқлайди ва келишилади.

ООМХМТ сертификатлаштириш жараёнида сертификатлаштириш идораси ISO 22000 га мувофиқ корхонани ҳажми (ходимлар сони, бўлинма ва филиаллар унинг майдонлари миқдори), ООМХМТ амаллари ўрнатилган соҳалар ва ҳар хил турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш миқдори .

ООМХМТ ни сертификатлаштиришда ташкилот умумий ҳолда қуйидаги объектлар текширилади ва баҳоланади:

- сифат соҳасидаги сиёсат
- ташкилий тузилма

- жараёнлар
- фаолият
- хужжатлаштириш
- Ресурслар

Корхонанинг ООМХМТ натижаларига шубҳа туғилган тақдирда ООМХМТ нинг исталган элементларида сертификатлаштириш идораси томонидан қўшимча вазифа белгиланиши ва унга ихсослик илмий тадқиқот институти, маслаҳатчи ва бошқа ташкилотлардан экспертлар жалб қилиниши мумкин.

Сертификатлаштириш идораси аккредитланган синов лабораториялари базасида қўшимча экспетриза ўтказиш ташаббуси билан чиқиши мумкин.

Озиқ-овқат махсулотлари хавфсизилигини таъминлаш менежмент тизимини сертификатлаштириш қуйидаги босқичларда ўтказилади:

- ариза билан мурожаат қилиш
- сифат менежменти бўйича дастлабки аудит ўтказиш
- Озиқ овқат махсулотлари хавфсизилигини таъминлаш менежмент тизими хужжатларини таҳлил қилиш
- сертификатлаштириш аудитига тайёргарлик
- мувофиқликка аудит ўтказиш
- Исботланган объектив умумлашган йиғилган кузатувлар ва таҳлилар ўтказиш
- Текширув жараёнида топилган, но муовик ҳаракатлар
- Аудит натижаларни расмийлаштириш
- якунловчи семинар йиғилиш ўтказиш
- аудит натижалари бўйича амаллар
- Аудит натижаларини тақдим этиш

IV. БОБ. ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ҲАВФСИЗЛИГИ

Ўзбекистон Республикасида ҳаёт фаолияти ҳавфсизлигига алоҳида эътибор қаратилган ва бугунги кунда ҳар бир мамлакатда меҳнат муҳофазасига доир қонун ва ҳужжатлар ўзига мос равишда ишлаб чиқилган. Республикаимизнинг Конституциясида ҳам ушбу масала пухта ишлаб чиқилган ва унинг ҳақиқий кўриниши қўйидагича қабул қилинган қонунларда ўз ифодасини топган: 1992 йил 13 январда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги; 1992 йил 2 июлда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Қасаба уюшмалари, улар фаолиятининг ҳуқуқ ва қафолатлари тўғрисидаги»; 1993 йил 6 майда эса Ўзбекистон Республикасининг «Ҳаёт фаолияти ҳавфсизлиги тўғрисидаги»; 1994 йил 1 декабрида Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси; 1995 йил 21 декабрида «Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси» қабул қилинди.

Аҳоли ва қорхоналар орасида санитария-ҳимоя оралиқ (зона) бўлиши ҳисобга олинади. Бу масофа қорхоналарни санитария жихатидан синфларга бўлинишига қараб, 1 синф учун-1000 м, 2-синф учун-500 м, 3 синф учун-300 м, 4-синф учун-100 м ва 5 синф учун – 50 м бўлиши керак. Баъзи ҳолларда санитария ҳимоя оралиғи (зонаси) қенглиги Давлат санитария назорати инспекцияси талаби билан Давлат қурилиш қўмитаси билан қелишилган ҳолда 3 мартагача қенгайтирилиши мумкин.

Санитария-ҳимоя оралиғида зарали бўйича фақат қуйи синфга таалуқли қорхоналар ва ёрдамчи бинолар (омбор, ошхона, гараж ва х.к.) жойлаштирилиши мумкин.

Қорхонада дам олиш, овқатланиш, уй ва иш қийимларини сақлаш, зарарсизлантириш, тузатиш, ювиш, ювиниш ва бошқа маданий санитария хизматлари учун мўлжалланган қўшимча бинолар уйлар бўлиши керак. Ишчи ва хизматчиларни эҳтиёжини қониқтирадиган санитария-маиший хизмат кўрсатиш уйларини-ҳоналарини таркиби, ҳажми СНиП 2.2.04-97, СН 245-71 СН-4088-96 нормаларига асосан аниқланади ва қурилади.

Корхона чиқинди ташлаш бўйича СН-245-71 га асосан V категорияга киради. Санитар химоя зонаси СНиП-2.01.03-96 га асосан 50 м. белгиланган.

Ўзбекистон Республикасида меҳнатни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий, техник ва санитар-гигиеник қоидалари билан белгилаб қўйилган қонунлар қабул қилинган. Буни биз Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18, 37, 38-моддаларида кўришимиз мумкин.

Ҳар бир корхона ўз имкониятидан келиб чиққан ҳолда меҳнатни муҳофаза қилиш бўлимини ёки хавфсизлик техникаси муҳандиси лавозимидаги штат бирлигини ташкил қилиши шарт. Унинг асосий вазифаси корхонада меҳнат қилаётган ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаси талабларини қандай бажараётганликларини назорат қилишдан иборат.

Корхонада ходимлар хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари уларнинг тавсифи, юзага келиш маънбалари, ишчиларга таъсир қилиш хусусиятлари ва саломатлик учун хавфли даражаси ва келгусидаги оқибатлари тўғрисида маълумотга эга. Иш жойларидаги ишлаб чиқариш муҳити ва меҳнат жараёнинг хавфли ҳамда зарарли омиллари тўғрисида маълумотлар, ишлаб чиқариш муҳитининг физик, кимёвий, радиологик, микробиологик ва микроклим ўлчови натижалари, шунингдек оғирлиги иш жойларини меҳнат шароитлари бўйича аттестация қилиниши билан тасдиқланади.

Корхона ўта хавфли шароитда бажариладиган касблар ва ишлар рўйхатига эга. Рўйхатда, аниқ технологик жараён, ишлаб чиқариш ускунаси, ишлатиладиган хом ашё ва ишларни амалга ошириш хусусиятлари билан боғлиқ хавфлар ҳисобга олинган.

Барча ходимлар хавфли ишларни бажаришдан олдин, меҳнат муҳофазаси бўйича йўриқномалар олиш ва ишларни хавфсиз бажариш усулларини ўзлаштириб олганлар.

Атмосферага ҳар-хил зарарли моддалар чиқарадиган корхоналарни аҳоли яшайдиган туманга нисбатан “шамоллар гулдастаси” томонига жойлаштирилади. Корхона шамол йўналиши бўйича СНиП 2.01.01.93 га асосан жойлашган. Бунда захарли газ ва чангларни чиқиши ҳисобга олиниб корхона

аҳоли пунктига тескари қилиб жойлаштирилган. Бу эса захарли газларни аҳоли пунктига етиб келмаслигини таъминлайди.

Аҳолини саноат чиқиндиларидан химоялаш мақсадида СанПин 2.01.01-93 га асосан корхонани жойлаштиришда шамол йўналиши эътиборга олинади.

Корхонада технологик жараён узлуксиз тарзда давом этади. Иш икки сменада олиб борилади. ГОСТ 12-2.03.91 КМК-3-05-98 га асосан “Технологик жараёнларни ташкилаштириш санитария қоидалари ва ишлаб чиқариш жиҳозларига гигиеник талаблар” га мувофиқ ташкил қилинган. Хом ашё ва материалларни қайта ишлаш технологик ускунанинг паспортида белгиланган талабларга мувофиқ амалга оширилади.

Цех, бўлимларни эшик, деразалари махсус товуш ўтказмайдиган материаллардан тайёрланган.

Махсулот модда ва материалларни ишлаб чиқаришда асосий, махсус ва кўшимча ҳисобланган турли ускуналар қурилмалар қўлланилади.

Саноатида қўлланадиган замонавий ускуналарни яратиш ва қўллашда умумий хавфсизлик йўлланмаси сифатида унификация, жадаллаштириш, кам қувват сарфлаш, эргономика, йириклаштириш, ишончлилиқни ошириш омиллари ҳисобга олинади шунингдек, ускуналарига инсон хусусиятларини, фаолиятини ифодаладиган антропетрик, психофизиологик, психологик гигиеник талаблар қўйилади. талаблар гост 12.2.032-88, ГОСТ 12.2.033-88, ГОСТ 12.2.049-88 га асосланади.

СанПин -0120-01, СанПин -0122-01 га асосан шовқин ва тебранишга қарши кураш машина ва механизмлар, технологик жараёнларни лойихалашнидастлабки босқичларида бошланиши керак. Корхона бош планини тузганда албатта шовқинга қарши баъзи чора тадбирлар кўриб қўйилган бўлиши керак. Бунга асосий сершовқин цехларни бир жойга жойлаштириш, агар иложи бўлса, бундай цехлар ишлаб чиқариш майдонининг чекка томмонларига жойлаштириш мақсадга мувофиқдир. Сер шовқин цехларни бошқа цехлардан товуш ўтказмайдиган тўсиқлар билан химоялаш керак.

Корхона бўлимларини ёритиш асосан табиий ва сунъий равишда амалга оширилади. Кундуз куни асосан табиий ёруғликдан фойдаланилади. Табиий ёритилиш СНиП 2-01-05.98 га асосан қабул қилинган. Кечки сменаларда эса, сунъий ёритишдан фойдаланилади. Корхона рахбари ва сех бўлим бошлиғининг хоналари ёритилиш учун, люменисцент лампалардан фойдаланилади.

Саноат корхоналарининг санитар-гигиеник ҳолатини яхшилаш борасида корхона хоналарини, майдоларини ёритиш алоҳида ўринда туради. Чунки тўғри ва режали ёритилган хоналарда иш унумдорлиги ошади, толиқиш камаяди ва корхонанинг хавсизлиги шароити таъминланади. Яхши ёритилмаган хоналарда ишлаётган ишчи атрофда жойлаштирилган нарса ва буюмларни яхши кўрмайди, ишлаб чиқариш шароитига мослаша олмайди, натижада, ишчи меҳнат фаолиятида кўзни қўшимча зўриқиши вужудга келади. Хаддан юқори ёритиш ҳам кўзга ёмон таъсир кўрсатади. Яхши ёритилмаган ишлаб чиқариш хоналарида бахтсиз ходисага олиб келадиган ҳолат-хавф пайдо бўлади. ҚМҚ 2.01.05.98 га асосан табиий ёритиш 1,2-1,5% бўлиши таъминланади. Етишмаган ёруғлик сунъий уюштирилади. Сунъий ёритилиш икки хил усулда олиб борилади: а) умумий ёритилиш, бундасаноат корхонасининг бинолари бир хил ёриткичлар ёрдамида амалга оширилади. б) аралаш усулида ёритилиш, бунда умумий ёритилиш библиотечаси билан бир қаторда иш жойларининг ўзи алоҳида-қўшимча ёритилади ва бу иш жойларини ёритиш деб аталади. Фақат иш жойларининггина ёритиш мумкин эмас, чунки у ҳолда кўз учун кескин кучланиш вужудга келиши натижасида кўз толиқиши ва бошқа бахтсизликлар вужудга келиши мумкин.

Корхонада цехларини ҳавоси мўътадиллаштирилиб турилади. Шамоллатиш қурилмаларидан фойдаланилади. Иситиш СанПиН -0058-96 га асосан амалга оширилади. Шамоллатиш қурилмаларидан тўғри фойдаланиш, уни тўлиқ ишлайдиган ҳолатда бўлиши учун жавобгарлик, механик зиммасига, цехда эса цех бошлиғи ва механик зиммасига юклатилган.

Ишлаб чиқариш корхона биноларида меъёрий санитар-гигиеник шароитни таъминлашда СанПин 00.58.96 га асосан шамоллатиш ва иситиш лойихага асосан эътиборга олинган бўлади.

Электр ускуналарининг носозлиги ёки уларнинг ишлатиш қоида талабларига амал қилмаслик ишчи-хизматчиларнинг шикастланишига олиб келади. Инсонларни электр токи таъсирида шикастланишидан ҳимоя қилиш учун ишлаб чиқариш шароитларида хавфсиз ток усти қопланган симлар, ерга уланган ва нейтралловчи ҳимоя тизимлари билан фойдаланилган. Шунингдек, электр ускуналарни танлаш, ўрнатишда мавжуд бўлган қонун-қоидалар нормаларига амал қилинган.

Электр ёрдамида ҳаракатланадиган, ишлатилган қурилма, воситалар ерга уланади. Бино, иншоотларни хавфлилиги эътиборга олинади. Ишчилар ва хизматчиларни шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланади. Қўчма тўсиқлар ўрнатилади. Ҳимояланиш воситалари мустаҳкамлигига қараб асосий ва қўшимча турда бўлади. Уларга ток ўтказмайдиган поёндоз, гилам, тагликлар, резина қалиш, этиклар, қўлқоплар, қўзойнақлар, ёнмайдиган кийимлар, ҳимоя камарлари, занжирлари мисол бўлади. Ишлаб чиқариш шароитида шовқин ва тебраниш инсоннинг марказий нерв системасига таъсир кўрсатувчи фактор ҳисобланади ва унга қарши курашиш биринчи даражали вазифа ҳисобланади.

Ишловчи ходимларни таъсир этувчи хавфларда ҳимоялаш мақсадида ҳимоя чоралари қўлланилади ва шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланади.

Таъсир этувчи захарли газ ва чанг билан ишловчи цехларда, ишчи ва хизматчилар объект фуқаро муҳофазаси бўлими (ФМ штаб) ходимлари томонидан шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланганлар.

Нафас олиш органларини муҳофазалаш мақсадида шахсий ҳимоя воситаларидан газниқоблар назарда тутилган.

Газниқоблар икки турга бўлинади:

1. Фильтрловчи газниқоблар (ГП 5, ГП 7, ГП 9, ПДФ 2Ш);
2. Ажратувчи газниқоблар (ИП 46 ИП 48).

Нафас олиш органларининг энг оддий ҳимоя воситалари:

1. Респиратор;
2. Чангга қарши матоли никоблар;
3. Пахта докали боғгич.

СанПин 2.08.12.98 га асосан барча корхоналарда лойихага асосан санитар маиший хоналар бўлиши таъминланади.

Корхонада СНиП- 2.03.12.98 га асосан ишчи-хизматчилар учун дам олиш, овқатланиш, уй ва иш кийимларини сақлаш хонаси, зарарсизланти-риш, ювиш-ювиниш ва бошқа маданий-санитария хизматлари учун мўлжал-ланган қўшимча бинолар қурилган.

Корхона биноларининг ёнғин хавфсизлиги уларнинг ўтга чиламлик даражаси билан аниқланган. СНиП 2.09.12-98 га асосан қурилиш материаллари бўйича ёнмайдиган, қийин ёнадиган хиллари мавжуд.

Ёнғин ёки авария содир бўлишида одамларни хавфсиз бошқа жойга чиқиш йўллари биноларни лойиҳалаш ва қуриш вақтида ҳисобга олинган. Ёнғин хавфсизлиги норма қодаларига асосан эвакуация йўллари ўтга чидамли материаллардан тайёрланган, ҳаракат йўлида ҳеч қандай тўсиқлар йўқ. Корхона биносида 2 та чиқиш эвакуация йўллари мавжуд.

Ишлаб чиқариш чиқариш корхоналари СанПин 2.01.02.04 га асосан ёниши, портлаши бўйича 5 та категорияга (А,В,В,Г,Д) фарқланади ва лойиҳа тузиш, қуриш ва жараён бажарилишида эътиборга олинади, шунингдек бинолар портлаши бўйича 6 турга бўлиши хавфлик нуқтаи назарда эътиборга олинади. Корхонада ёнғин ва портлаш хавфсизлиги, уларни режалаштириш, ташкиллаштириш ва олиб бориш СНиП-2.01.02-04 га асосан, “Ёнғин хавфсизлиги” умумий талабларига ОНТП 24/86 га асосан “Портлаш хавфи” умумий талабларига ва ушбу қоидаларга мувофиқ таъминланган. Ишлаб чиқаришда ўрганилмаган ёнғин ва портлаш хавфи ва токсик хусусиятларига эга бўлган модда ва материаллар қўлланилмайди.

Шу мақсадда бино қурилишида ёнғинга чидамли материаллар ишлатилиб қурилади ҚМҚ-2.09.12.98 га асосан.

Шу жумладан бино хоналарида камида 2 та чиқиш йўллари бўлиши эътиборга олинади. СНИП-2.01.19.09

Саноат корхоналарида ёнғинга қарши кураш ишларини шу корхоналарнинг ёнғинга хавфлилик даражасига қараб, корхона маъмурияти белгилайди. Агар саноат корхонаси ёнғинга хавфли бўлса, унда ёнғинга қарши кураш бўлими ташкил қилинади. Бундай бўлим ўзининг махсус ёнғинга қаршикураш командаларини ташкил қилади.

Саноат корхоналарида ишлаб чиқариш-техник мақсадлар учун, хўжалик ва ичишга, ёнғинни ўчиришга сув кўп миқдорда сарф бўлади. Сув таъминоти СанПин -2-04-02.86 талабларига асосланади.

Барча ишлаб чиқариш цехларида, хом ашё ва тайёр маҳсулот омборхоналари маъмурий ва бошқа ёрдамчи бинолар ҳамда иншоотлар дастлабки ёнғинни ўчириш воситалари билан таъминланган.

Вентиляция тизими ёнғиндан дарак берувчи сигнализация билан бирлаштирилган ва (СНИП 2.04.02 94., ГОСТ 12.2.2002.89, СНиП 2.04.09.07) бўйича ўрнатилган.

Бино ва ёнғин сув маънбалари йўлкалари ҳамда ёнғин воситалари ва ускуналарига борадиган йўлкалар доимо бўш бўлиши таъминланган, бинолар оралиғидаги ёнғинга қарши масофа узулмаларида материаллар, ускуналар, бўш идишлар тахлашга рухсат этилмайди.

Корхонада ёнғинга қарши сув таъминоти СНИП-2.04.02.96 га асосан белгиланган. Катта миқдорда сув сақлайдиган сув ҳавзаси мавжуд.

Ўтти ўчириш бирламчи воситаларидан ҳаракатланадиган, қўлда ишлаталиган ўт ўчиргичлар, гилропульпалар, челак, сувли бочка, белкурак, кумли яшик, асбест ёпгич, намот ва бошқа ёнмайдиган буюмлари мавжуд.

Ёнғин ҳақида тез хабар бериш учун юқори ҳавфли ҳисобланган технологик ускуналарда, ишлаб чиқариш биноларида, омборларда даракчи воситалари СНИП-2.04.09-07, га асосан ўрнатилган. Бу воситалар ёнаётган манба, жойини ўз вақтида аниқлашга ёрдам беради.

Корхонада кўнгилли ўт ўчириш дружинаси ташкил қилинади.

Яшиннинг ер устидаги иншоот, қурилмаларга тўғри урилиши бузилишга, ёнувчи модда ва материалларни алангаланишига олиб келади. Яшинни иккиламчи таъсири, химояланувчи бино ва иншоотларни металл контурига яшин урилиш вақтида, зарядларни электростатик ва электромагнитли индукцияланиши билан боради. Натижада, учқунланиш билан боғлиқ хавфли вазият вужудга келади. Шу сабабли яшинда химоя чоралари СНИП 2 .01.03 96, СНИП 2.01.02.95 га асосан қўрилган.

Фуқаро муҳофазаси

Вазирлар Маҳкамасининг 143 фармони 11.04.96 й бўйича

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қуйидаги табиий офатлар содир бўлиши мумкин: ер ва тоғ қўчкилари; селлар, зилзила, бўронлар ва бошқалар.

Булардан ташқари турли техноген тусдаги фалокатлар ва авариялар содир бўлиши мумкинки, булардан ҳам эътиборни қочирмаслик, огоҳ бўлиш, техника хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш зарур.

Фавқулодда вазият (ФВ) – одамлар қурбон бўлишига, уларнинг соғлиғи ёки атроф – табиий муҳит зарар қўришига, анчагина моддий талофотга ва инсонларнинг ҳаёт фаолияти издан чиқишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган авария, ҳалокат, хавфли табиат ҳодисаси, табиий ва бошқа офат оқибатида муайян ҳудудда юзага келган шароит, албатта бундай шароитни юзага келишида табиий, техноген, экологик, ҳарбий ва ижтимоий сабаблар алоҳида ўрин эгаллайди.

Атрофдаги табиий муҳит ва потенциал хавфли объектларнинг, фавқулодда вазият манбалари пайдо бўлишини олдиндан прогноз қилиш ва профилактика қилишнинг аҳволини кузатиш ва назорат қилишни ташкил этилишига, шунингдек фавқулодда вазиятларга тайёргарлик қўришга қаратилган ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий, муҳандислик-техникавий, экология-муҳофаза, санитария-гигиена, санитария-эпидемиологик ва махсус тадбирлар комплекси дир.

Ҳар бир соҳада хушёрлик, огоҳ бўлишлик орқали шахсий ва жамоат хавфсизлиги таъминланади. Бунга эришиш учун мавжуд маълумотларнинг ҳаммасидан фойдаланиш лозим. Айниқса, жойнинг табиий тузилиши, табиий манбалар (сув, ҳаво, тупроқ, рельеф ва х.к.) нинг ҳолати, ўзгариши, ўзаро боғлиқлигини, ишлаб чиқариш объектлари хусусияти орқали эса инсон фаолияти билан боғлиқ бўлган ноҳуш вазиятларнинг негизидан хабардор бўлинади. Асосий эътибор тез ўзгарувчан санитария – гигиена, санитария – эпидемиологик маълумотларга қаратилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Фавқулодда вазиятларга тайёргарлик кўриш, аввало оилада, умумтаълим мактабларида, олий ва ўрта ўқув масканларида, ишлаб чиқариш тармоқлари ва маҳаллаларда олиб борилади. Тайёргарлик жараёни махсус дастурлар асосида олиб борилиб, ҳар қандай қўшимча мураккабликлардан холи бўлиши зарур. Тайёргарликни юксак даражада бўлиши учун телерадио ва оммавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланиш, мунтазам суҳбатлар ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Хусусан, аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, инсонлар саломатлигини юксак даражага кўтариш масалалари бўйича ҳам бир қанча қонуний ҳужжатлар қабул қилинади, жумладан, “Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида” ги қонуннинг асосий мақсади – аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солади ҳамда фавқулодда вазиятлар рўй бериши ва ривожланишининг олдини олиш, фавқулодда вазиятлар келтирадиган талафотларни камайтириш ва фавқулодда вазиятларни бартараф этишдан иборатдир.

Атрофдаги табиий муҳит ва потенциал хавфли объектларнинг, фавқулодда вазият манбалари пайдо бўлишини олдиндан прогноз қилиш ва профилактика қилишнинг аҳолини кузатиш ва назорат қилишни ташкил этилишига, шунингдек фавқулодда вазиятларга тайёргарлик кўришга қаратилган ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий, муҳандислик-техникавий, экология-муҳофаза,

санитария-гигиена, санитария-эпидемиологик ва махсус тадбирлар комплекси.


Ўзбекистон Республикасида Фуқаро муҳофазасига оид қуйидаги ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар ва Вазирлар маҳкамасининг қарорлари кучга киритилган.

Фуқаро ҳимоясининг асосий вазифалари:

1. Аҳолини умумқирғин қуроллардан сақлаш.
2. Халқ хўжалиги корхоналарининг уруш шароитида ишлаш турғун-лигини ошириш.
3. Қутқарув ва тикловчи ишларини олиб бориш.

Корхонада фуқаро муҳофазасини ташкил қилиш омиллари юқоридагилардан иборат.

Корхонада фуқаро муҳофазаси ташкил этиш схемаси



Корхона территориясида содир бўлиши мумкин бўлган табиий ва техноген хавфли ходисаларга: zilзила, ёнғин, портлаш, кимёвий заҳар-ланишлар киради.

Корхонадаги авариялар, ёнғин ва портлаш каби фавқулотда вазиятлари юзага келган вақтида содир бўлган хавф даражасини кўрсатадиган иккита билдириш режимини белгиланади.

1. Юқори тайёргарлик режими;
2. Фавқулотда режим.

Бундай ҳоллар юзага келган вақтида ҳокимиятларга, тузилмаларга, тиб-бий хизматга, ёнғин хавсизлиги хизматига хабар бериш керак.

Корхонада мавжуд кучли таъсир қилувчи модда. Унинг миқдори сақланиш тартиби.

Фавқулотда Вазият юз берганда “Диққат Хаммага” овозли сигнал орқали ишчи-хизматчиларга хабар қилинади.

Кучли таъсир этувчи заҳарли модда ва чанг билан ишловчи цехларда ишчи ва хизматчилар объект фуқаро муҳофазаси бўлими (ФМ штаб) ходимлари томонидан шахсий химоя воситалари билан таъминланган бўлишлари керак.

Нафас олиш органларини муҳофазаловчи шахсий химоя воситалари – газниқоблар, нафас олиш органларини турли касалликларни келтириб чиқарувчи микроблардан ва токсинлардан муҳофаза қилади.

Газниқоблар икки турга бўлинади:

1. Фильтрловчи газниқоблар (ГП 5, ГП 7, ГП 9);
2. Ажратувчи газниқоблар (ИП 46 ИП 48).

Нафас олиш органларнинг энг оддий химоя воситалари:

1. Респиратор;
2. Чангга қарши матоли ниқоблар;
3. Пахта докали боғич.

Авария қутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларини режалаштириш ва амалга оширишдан мақсад, аҳолини турли фавқулотда вазиятлардан химоялаш, шошилиш тиббий хизмат кўрсатиш, авария

оқибатларини қисқартириш ҳамда вайроналардан инсонларни олиб чиқишга қаратилгандир.

Авария қутқарув ишлари қуйдаги вазифаларни амалга ошириш орқали олиб борилади.

1. ФВ рўй берган ҳудудларида разведка ишларини олиб бориш ҳамда ҳаракатланиш йўналишларини режалаштириш.

2. Бино қисмлари, вайрона уюмлари орасидан шунингдек ёнаётган бинолар ичидан инсонларни қидириш ва олиб чиқиш.

3. Жабрланган инсонларни, гуруҳларга ажратган ҳолда бирламчи тиббий хизмат кўрсатиш ҳамда яқин амбулаторияларга етказиш.

Бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларга қуйдагилар киради:

1. Инсонларни оммовий пиёда ёки транспортда ҳаракатланиш йўлларини очиш ҳамда ҳавфли жисмлардан тозалаш.

2. Газ, электр, сув қувур тикимлари ва бошқа тизимларда юз берган аварияларни тўхтатиш, қутқарув ишларини ўтказиш.

Корхонада ёнғин содир бўлганда ҳаракатланиш қуйдаги тартибда амалга оширилади. Цехда герметиклик бузилиб ёки бошқа сабаб билан ёнғин чиққанда ОПД туридаги сигнализатор ишга тушади. Бу сигнализатор ишга тушиши билан цехдаги навбатчи корхонанинг ёнғин ҳавфсизлиги бўлимига хабар берилади ва ишчиларнинг тартибли эвакуациясини таъминлашни назорат қилинади. Ёнғин ихавфсизлиги бўлими етиб келгунча ишчилар ўзлари ОУ 2, ОУ 9, ОУ 8 бирламчи ўт ўчиргичлар ёрдамида ёнғинни бошқа объектга ўтиб кетмаслигини назорат қилади.

Ёнғин хизмат ходимлари билан бир вақтда тиббий тез ёрдам кўрсатиш хизмати ҳам етиб келади. ФВ оқибатлари тугатилиши билан қутқарув ишлари бошланади. Тартибни сақлашга эътибор берилади. Ёнғин ёки авария содир бўлишида одамларни ҳавфсиз бошқа жойга чиқиш йўллари бўлиши биноларни лойиҳалаш ва қуриш вақтида ҳисобга олинган. Ёнғин ҳавфсизлиги норма кодаларига асосан эвакуация йўллари ўтга чидамли материаллардан

тайёрланган, ҳаракат йўлида ҳеч қандай тўсиқлар йўқ. Корхона биносида 2 та чиқиш эвакуация йўллари мавжуд.

Ишлатиладиган хом-ашёлар маълум талаб асосида омборларда сақланади. Қуёш нури тўғридан-тўғри тушмайдиган, ёпик, куруқ жойда, ҳарорат 30° С дан юқори бўлмаган, намлик 80% дан кўп бўлмаган жойда сақланади.

V.Боб. ИҚТИСОДИЙ ҚИСМ.

Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнида сифат ва хавфсизлигига халқаро стандартлар талабларини ишлаб чиқиш харажатлар сметаси

Нархларнинг смета калькуляцияси

5.1 Жадвал

Корхонада озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнида сифат ва хавфсизлигига халқаро стандартлар талаблари, ва уни жорий қилиш лойиҳаси

№ т/р	Харажат турларининг номланиши	Сумма*, минг. сумда.
1	Ойлик маош	2.000000
2	Ойлик маошдан 25 % ли ягона ижтимоий тўловга ажратма	400.000
3	Материаллар, воситалар	2.257000
4	Хизмат сафари харажатлари	800.000
5	Бошқа ташкилотлар хизматларига тўловлар билан боғлиқ харажатлар	900,000
6	Бошқа харажатлар	480,000
	Жами:	6437.000
1.	Умумий солиқ	580,000
	Ҳаммаси:	7.017000

“Бошқа ташкилотлар хизматларига тўловлар билан боғлиқ харажатлар”
кенгайтмаси

Бошқа ташкилотлар базарадиган ишлар номи	Ташкилот- базарувчи	Бошқа ташкилот иши %	Сумма, минг. сўм.
Банк операция хизматлари			900000
Сифат менежменти тизимини сертификатлаштириш		40%	
Жами:			

5.3 Жадвал

«Материаллар, воситалар» кенгайтмаси

№ т/р	Номланиши	Нархи, сўм.	Миқдори, дона.	Сумма, сўм.
1	Абонентлик тўлови	70000	-	70000
2	Интернет	150000	-	150000
3	Халқаро телефон сўзлашувлари	75000	-	75000
5	Қурилмаларга техник хизмат кўрсатиш	50000	-	50000
6	Асосий воситалар эскириши	50000	-	50000
7	Сертификат олиш учун ўқитиш харажатлари	400000		400000
8	Ўқув ва тарқатма материаллари	50000	30	1500,000
9	Диск (CD-R)	500	25	25000
	Жами:	845.500		2.257000

«Хизмат сафари харажатлари» кенгайтмаси

Хизмат сафари белгиланиши	Хизмат сафари банди	Хизмат сафарига юборилувчи лар сони	Хизмат сафари кун миқдори	Харажатлар суммаси, минг, сўм.
Проездной билет ва бошқа сарф харажатлар				800000
Жами:				

«Бошқа харажатлар» (канцелярия товарлари) кенгайтмаси

№ т/р	Харажатларнинг номланиши	Нарх, сўм	Миқдори, дона.	Сумма, минг сўм.
1	А-4 Қоғоз	30000	10	300000
2	Дрикол	10000	1	10000
3	Степлер	10000	1	10000
4	Степлер учун скоблар	1000	2	2000
5	Рангли картон	22500	1 пачка	22500
6	Скоросшиватель	3000	20	60000
7	Папка	1000	10	10000
8	Линейка	500	2	1000
9	Скрепки	2000	3 пачка	6000
10	Журнал	3000	10	30000
11	Ручка	500	10	50000
12	Қалам	500	5	2500
13	Ўчиргич	200	2	400

14	Замаска	2600	1	2600
	Жами:	86300	78	480.000

6-жадвал

Корхонада белгиланган ишлар амалга оширилгандан сўнг, иқтисодий самарадорликни аниқлаш

	Корхонада ишлаб чиқарариш хизматларини ташкил этишдан олдинги ҳолат	Корхонада ишлаб чиқаришни йўлга қўйилгандан кейинги ҳолат
Корхонада озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқишда ташкил этиш учун харажатлар миқдори	10.000000 сум	
Ишлаб чиқариш харажатлари	7.017000 сум	11.454000 сум
Тушум	10.150000	18.500000
Соф фойда	3.133000	6.955000
Корхона ишлаб чиқишини ташкил этишдан кейинги фойда		3.822000

ХУЛОСА

БМИни бажариш натижасида жаҳонда озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги тизимига талабларни ўрнатувчи ISO 22000 серияли стандартлар ва НАССР тизими ва тамоиллари тўғрисида маълумотлар берилди. Озиқ-овқат корхонасида ИСО 22000 халқаро стандарти бўйича озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлик тизимини ишлаб чиқиш ва жорий қилишнинг аҳамияти ва афзалликлари ўрганилди.

Озиқ-овқат корхонасида ИСО 22000 халқаро стандартига мувофиқ ООМХМТ ишлаб чиқиш ва жорий қилишда НАССР тамойилларини қўллаган ҳолда НАССРни жорий этиш босқичлари кенг ёритиб берилди. Унга кўра Донни қайта ишлаш корхонаси мисолида ООМХМТ жорий қилиш бўйича ишчи гуруҳ таркиби, зарурий дастур, маҳсулот тавсифи, Озиқ-овқат корхонасида ишлаб чиқариш жараёнининг блок-схемаси ва бошқалар лойихаси ишлаб чиқилди ва амалиётда қўллашга тавсия этилди.

Озиқ – овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш масаласи жамият микёсидаги глобал масалаларидан биридир. Уни таъминлашга вақтни ҳам, маблағни ҳам аямаслик лозим. Чунки ушбу масала ҳақида гап кетганда инсон саломатлиги, мамлакатимизнинг рақобатбардошлиги масаласи кўндаланг турибди. Бунга бефарқ бўлиш асло мумкин эмас.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

- 1.
2. Ефимов В.В. “Управление качеством”, учебное пособие, Ульяновск.
3. Никифоров А.Д. “Управление качеством”, учебное пособие, Москва, 2004г.
4. Фомин В.Н. «Управление качеством. Сертификация», учебное пособие-3-е изд., перераб. и доп. – М.: Ось-89, 2005г.
5. Абдувалиев А.А и др. “Основы стандартизации, метрологии, сертификации и управление качеством”, Ташкент 2007г.
6. Абдуллаев А.А., Алимов М.Н., Бойко С.Р., Мирагзамов М.М., Собиров М.З. “Основы стандартизации, сертификации и управления качеством”, учебное пособие, Тошкент, из-во “Fan va texnologiya” 2005г.
7. Ахмедов Б.М., Исматуллаев П.Р., Туробжонов С.М., Юсупов Э.Д., Тураев Ш.А., “Основы системы менеджмента качества”, изд-во ИПТД «Узбекистан», - Ташкент, 2009г.,
8. Техник жиҳатдан тартибга солиш: амалиёт, муаммо ва истиқболлари. И.И. Насиров таҳрири остида, Ўзбекистон стандарт, 2011й,
 9. Б.Д.Юсупов, А.А.Джуманов, О.И.Соатов, Ш.А.Тўраев, “Агросаноат мажмуи корхоналарида сифат менежментини ташкиллаштириш”, ўқув-услугий қўлланма Тошкент, 2011й.,
10. “Стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрологияга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2008й.,
 11. Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 23 апрелдаги “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги 213 – сонли қонуни.
 12. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 августдаги “Стандартлаштириш тўғрисида”ги 1002 – сонли қонуни.
 13. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августдаги “Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги 483-I – сонли қонуни.

14.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 19 июнда “Республика корхоналарида халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этишни кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 173 – сонли қарори.

15.O‘zDSt ISO/IEC 21:2001 “Ўзбекистон стандартлаштириш давлат тизими. Халқаро ва ҳудудий стандартларни Ўзбекистон давлат стандартлари сифатида қабул қилиш”.

16.O‘z DSt 1.7:1998 “Ўзбекистон стандартлаштириш давлат тизими. Бошқа давлатларнинг давлатлараро, миллий стандартлари ва меъёрий ҳужжатларини қўлланиш тартиби”.

17.O‘z DSt ISO 9000:2009 “Сифат менеджменти тизимлари. Асосий қоидалар ва луғат”.

18.O‘z DSt ISO 9001:2009 “Сифат менеджменти тизимлари. Талаблар”.

19.O‘z DSt ISO 9004:2009 “Сифат менеджменти тизимлари. Фаолиятни яхшилаш бўйича тавсиялар”.

20.O‘z DSt ISO 22000:2010 “Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги менежменти тизими. Озиқ-овқат маҳсулотларини яратиш занжирида қатнашувчи ташкилотларга талаблар”

21.Global G.A.P (EurepGAP) контрольные точки и критерии соответствия интегрированная система безопасности и качества сельскохозяйственного производства. Введение, код: IFA 3.0-2 CP, версия: V.3.0-2_Sep

22.П.Р.Исматуллаев, Ш.А.Тўраев, О.Адилов, Б.Х.Исмоилов “Ўзбекистон қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сифати ва хавфсизлигини таъминлашда GlobalG.A.P стандартини жорий этишнинг аҳамияти” “STANDART” илмий-техника журнали 2011 й.

23.[http:// www. Standart.uz](http://www.Standart.uz)

24.<http:// www.Standart.gost.ru>

25.<http:// www.gost.ru>

26.<http:// www. Globalgap.org>

